



Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.  
 Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

12  
(757)-son

23-mart

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



Ҳар кунинг Наврӯз бўлсин,

Она Ўзбекистон!

Гузал диёримизда қадимий ва ардоқли байрамимиз, яшариш, янгиланиш ва саховат айёми – Наврӯз кезмоқда.

Борлиққа боқиб дил яйрайди. Қуёш мусаффо осмонимиз узра заррин нурларини янада мўл сочишга чоғланган, далаларда эртанги ризқимиз бўлган галла майсалари барқ уриб кўкармоқда, боғлар гулларга бурканмоқда, эртандин чигит қадашга ҳозирлаб қўйилган эгатлардан кўтарилган ҳовурларда замин ҳиди анқийди... Буларнинг барчаси бағрикенг ва танти ўзбек элига Наврӯз келганлигидан нишонандир.

2-БЕТ ➔

## Ушбу сонда:



Наманган тажрибаси.  
У нима?

5-БЕТ ➔

Награждение победителей



6-БЕТ ➔

АТ «Алоқабанк» сўм пластик карточкалари



11-БЕТ ➔

Маҳалламиз — Мангузар



13-БЕТ ➔




Хабарчи бургутлар

16-БЕТ ➔



**UzNet**  
Internet Service Provider  
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Матбуотда “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Шунингдек, матбуотда мазкур Фармонга шарҳ ҳам чоп этилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 март куни Оқсаройда Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубишни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва куп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш, мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

✓ “Тошкент ислом университети” наشريёт-матбаа бирлашмаси ҳамда “Жаҳон” ахборот агентлиги томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Тошкент ислом маданияти пойтахти” китоби чоп этилди.

Китобда Президент Ислам Каримовнинг Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари чоп этилган. Дипломатик корпус вакиллари, хорижий мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилган. Шунингдек, дунёнинг турли давлатларидаги етакчи ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ёзилган мақола ва шарҳлар ҳам китобга киритилган.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” парламент ҳамкорлиги қўмитасининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Европа Иттифоқи парламенти аъзоларидан иборат делегация иштирок этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Марказий Осиё ва Европада терроризмга, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масалалари қуриб чиқилди.

Европарламент делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирига ҳам музокаралар ўтказди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Шарҳ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, “Адолат” ва “Мовароуннахр” наشريётларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳли яқунга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қизгин баҳс-мунозаралар жараёнида “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси бўйича “Шарҳ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, “Адолат” ва “Мовароуннахр” наشريётларида амалга оширилган ижобий ишлар алоҳида қайд қилинган ҳолда мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишга доир фойдалан таслиф-мулоҳазалар билдирилди.

(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

Наврўз — поклик байрами. Байрам арафасида халқимиз қалбдаги бунёдкорлик булоғи қайнаб-тошади. Юртимизнинг барча гўшаларида ободлик юмушлари авж олади. Зеро, обод масканда яшовчи инсонларнинг қалблари ҳам обод бўлади, дилларида поклик бўлади. Ана шундай бегуборлик билан Наврўз сайлини бошлаймиз — сайил бўлганда ҳам халқ сайлини. Ҳеч ким шоду хуррамликдан четда қолмайди. Ватанимиз узра байрам садолари янграйди. Жилдираб оқатган сув садоси кушлар чугурига мумтоз куй-қўшиқлар, лапар ва яллалар, мушоира-ю наволар ҳамоҳанг бўлиб кетади. Карнай-сурнай ва ногоралар садолари остида жарчилар элу юртни сайилга чорлайди. Азалдан халқимиз шу кунлари ёппасига кир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга чиқиб байрам қилишган. Куй-қўшиқлар улоқ чопиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошаларга уланган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозу полвонлар бор санъатларини намойиш қилганлар. Дошқозонларда кўклам таомлари тайёрланган. Сайиллардан кўнгли ёришган, қалбларига эзгулик инган инсонлар бир-бирларининг кўнглини олишга ошиқадилар, яхшилик улашишга интиладилар. Мўл ҳосил, ризку рўз тилаб пок ният ила далаларга барака уругини қадашга киришадилар. Наврўз ана шундай халқни жипслаштирадиган, эртанги кунга бўлган ишончини мустақамлайдиган эзгулик байрамидир.

Меҳр-оқибатли, ўзгаларга қайишадиган, қўли ҳам кўнгли каби очиқ халқимизнинг бу фазилатлари Наврўз кунлари яна бир бор намойён бўлади. Имкони борлар кўнгли ўқис болажонлар, ногиронлар, ҳам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишга шошилади. Уларга жила курса бир ширин калом



## Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Она Ўзбекистон!

айтишни истайди. Минг йиллар силсиласида шаклланиб, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган бу қадриятлар Истиқлол туфайли янада сайқалланиб, давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу саховатпешаликлар бошида эса Юртбошимиз турибди. У кишининг “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак” деган даъвати Наврўз кунлари ҳар доимгидан ҳам ўзгача жаранглайди. Мудраб ётган кўнгилар торларини-да чертиб юборади. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили дея номланиши эса бу борадаги эзгу ишларнинг бардавомлигидан нишон. Наврўз барчамизни мана шундай эзгулик қилишга чорлайверади.

Тўйлар, тантанаю байрамлар тинч юртга ярашади. Она Ўзбекистониимиз гуллаб-яшнаб, тинч-осойишта, тенгла ичра тенг бўлиб, халқимиз эса соғ ва бардам, залворли ютуқлари, эзгу истиқлари билан Наврўзни кутиб олди. Байрамларга мана шундай ёруғ кунларда, ҳаётнинг бебахо неъматларидан бахраманд бўлиб пешвоз чиқаётганимиз учун қалбларимизда шукроналик ҳисси бисёр. Илоҳим, шу нурафшон кунлар бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Наврўзлар янада фусункорлик ила кириб келаверсин!

Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Она Ўзбекистон!

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

## Наврўз мурувват ва эзгулик айёми



Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази жамоаси ҳам баҳорнинг энг азиз айёми — Наврўзни тантанали равишда кутиб олди.

Байрам тадбири тонг саҳарда сумалак тайёрлашдан бошланди. Жамоаниннг ёш ходимлари тажрибали ҳамкасбларидан сумалак тайёрлашнинг сир-асрорлари, унинг тарихи ҳақида билиб олишди. Тадбирда ходимлар нафақат ўз касбларининг усталари, балки ашула ва рақс, шеърят бобида ҳам истеъдодга эга эканиklarини намойён қилишди. Уйин-кулги кенга қадар давом этди.

Ушбу ажойиб кун унутилмас таассуротларга бой сана сифатида барчаниннг қалбида муҳрланиб қолгани, шубҳасиз.

Ҳасан ХАЙДАРОВ,  
ЎЗТБРМ ходими

Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона марказида ҳам Наврўз айёмига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни кутубхона директори Зийбагул Сапарова олиб борди.

Тадбирда Агентликнинг худдий бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Длекеев, Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кенгаши бошлиғи Зулфия Дошекенова, “Экосан” халқаро ташкилоти республика бўлими бошлиғи Нурилик Мирзамуратов, шу кутубхонада ўттиз йилдан кўпроқ меҳнат қилиб нафақага чиққан Ойжон аялар барчани Наврўз байрами билан табриклашди.

Шундан сўнг меҳмонлар турли баҳорий таомлар билан безатилган байрам дастурхонига таклиф этилдилар.

Ёш ҳаваскор хонандалар чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ



# Яшариш ва янгиланиш

## ЭЛЧИСИ

“Сурхондарё Телеком” филиали жамоасининг Наврўз байрамидан репортаж

Дошқозон осилган ўчоқ бошидаги ҳаракат анча барвақт бошланди. Алпомиш келбатли йигитлар ёғоч-гўлани аралаш ва ёришга киришиб кетишди. Тураҳон Пиримовнинг чағдастлиги ҳаммани ҳайратга солди. Мухиддин ва Тўйчибой ундан қолишмасликка интилишди. Тез орада сумалак пиширишга етгулик ўтин тайёр бўлди.

Матлубаҳон раҳбарлигидаги аёллар ҳам бўш келишмади. Кўп ўтмай ўчоққа қаланган ўтин лов-лов ёна бошлади. Дилфуза Қаҳқорова, Муҳаббатхон Жўраева, Гулшода Сафарова ҳамда Нарғиза Қаршиевалар дошқозонни тўлдиришга, ўғилдурди опа калгирини кўлга олишдан аввал қозонга яхши ният билан уч-тўрт дона тош ташлади.

Кенг ҳовли узра “Баҳор валси” янгради. У юртимизга фасллар келинчаги келганидан дарак бериб турарди. Эзгуликка чорловчи, кўнгилларни шоду хуррамликка пайваस्ता қилувчи ёқимли оҳанг “Замин уйғонмоқда, яшариш ва янгиланиш элчиси Наврўз яқин!” дегандай бўларди. Куй-кўшиқ, ўйин-кулгига уланди. Кўёшли кун ўз ўрнини тўлин ой ва саноги йўқ юлдузлар ёғдусига бурканган тунга бўшатиб берди. Бу чоғ ўчоқдаги олов ранги билинди. Кўкка ўрлаётган тўтун ажиб манзара кашф этди.

Шу пайт кимдир “Ўзбегим”ни яна эшитайлик деб қолди. Таниқли ҳофизнинг ноласи Ватан туйғуси жўш уриб турган қалбларни такрор жунбушга келтирди. Барчанинг кўз ўнгига ортда қолган узоқ ва яқин ўтмиш, ўчмас қадриятлар, табаррук зотлар гавдалангандай бўлди. Кўпчиллик кўнглида “Куллақ сенга, истиклол!”, “Ўзлимизни қайтариб берганинг учун минг шукр” деган ширин туйғулар акс-садо берди.

...Зухра юлдуз ёғдулари тин олиб, тонг ёриша бошлаганда ўғилдурди опа дошқозон қопқоғини очди. Тун бўйи қайнаб пишган сумалак дастурхонга тортилди.

Сўнгра байрам сайли бошланди.

Нортожи ЗИЁЕВ,

«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

## ● IJTIMOIIY HIMOYA YILI DASTURI AMALDA



# Телеминорада болалар учун байрам

**Инсонпарварлик, саховат ва мурувват — халқимизга хос юксак фазилатлар ҳисобланади. Юртбошимиз томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши ҳам азалий қадриятларимизни янада ривожлантириш ҳамда маънавиятимизни мустаҳкамлашга катта замин яратмоқда.**

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб турли тадбирлар, хайрия-эҳсон маросимлари ўтказилаётганлигига барчамиз гувоҳимиз. Қувонарлиси, бу каби тадбирлар кун сайин кўлам ва сон жиҳатидан ортиб ва кўпайиб бормоқда.

Бундай хайрли ишга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази тасарруфидаги Тошкент телеминорасида ҳам қўл урилди.

Наврўз айёми арафасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги “Ногирон болаларнинг соғлигини қайта тиклаш, бирлаш-

тириш” клуби тарбияланувчиларининг юз нафари Тошкент телеминорасининг 100 метр баландликда жойлашган ресторанига таклиф этилди. Болалар “қуш учар” баландликдаги зифатнинг азиз меҳмони бўдилар. Ресторан ходимлари уларни мазали таомлар ва ҳар хил ширинлигу ичимликлар билан сийладилар. Таниқли эстрада хонандлари ва санъаткорларнинг ташрифи байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбир сўнггида болаларга эсдалик совғалари топширилди. Улар Наврўзни ана шундай улкан таассурот ва қувонч огушида кутиб олишди.

Ўз мухбиримиз

## Кутуб

Дилдора АХМЕДОВА,  
Фурқат тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Наврўз айёмида дилга қувончлар тошиб келади. Кўнгилларда эзгу ҳислар тўлиб-тошади. Ҳаммани хурсанд кўргимиз, ҳаммага яхшилик қилгимиз келади: ота-оналаримизга, опа-сингиллару ака-укаларимизга, қўни-қўшнилари ҳамкасбларга... “Ширин каломлар, эзгу амаллар билан дилларга севинч олиб кирсам, рози қилсам, дуо олсам”, дейсиз. Ахир, бу яшиллик-яшиллик айёми савоб ишларга ундайди.

Мен барча юртдошларимни, жумладан, алоқачи ҳамкасбларимни, энг қадимий ва навқирон Наврўз шодиёнаси билан самимий табриклар эканман, режалаштириб қўлган барча меҳр-мурувват ишларингиз амалга ошсин, фарзандларимизнинг камолини берсин, дейман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

## УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар Наврўз ила байрам, Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Алишер НАВОИЙ

# Кўклам бошланади Қашқадарёдан

Шўх жилғалар чопиб келди хушхабар олиб,  
Саодатманд юрт тупроғи бурқанди гулга.  
Қувонч, ризқ-рўз ва барака куйларин чалиб,  
Наврўз кириб келди яна меҳмондўст элга.

Қашқадарё вилоятида ҳам Наврўз қадимий анъаналарга мос тарзда ўтмоқда. Айниқса, Қарши шаҳридаги муҳташам амфитеатрда Наврўз байрами ўзгача кўтаринки руҳда ўтди.

«Сен баҳорни соғинмадингми...» деб номланган театрлаштирилган байрам томошасида вилоятнинг санъат усталари, ижрочи ёшлари, бадийий ҳаваскорлик жамоалари юрт ва диёрни улғувчи, баҳор ва меҳнат фаслини тараннум этувчи дастурни намойиш этдилар.

Шу кун Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида сумалак сайли, халқ ўйинлари ва томошалари ташкил этилди.

Вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхона, ташкилот ва муассасаларида ҳам Наврўзи олам ўзгача нишонланмоқда. Сайидо Насафий номидаги ахборот-кутубхона марказида ўтказилган байрам тадбири узоқ вақт йиғилганларнинг хотирасида сақланиб қоладиган бўлди. Бу ерда катта дошқозонда сумалак тайёрланиб, барчага тортиқ этилди. Марказ ходимлари миллий удумларимизни тараннум этувчи халқ ўйинлари, термалари асосида тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этган бўлсалар, «Матбуот тарқатувчи» МЧЖда ўтказилган Наврўз шодиёналарида фаол обуначиларга жамият томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Жамият ходимлари Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументи пойига гулчамбарлар қўйиб, Одина масжидидаги «Ўзликни англаш маркази»да бўлдилар. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалидаги Наврўз тантаналари «Баҳор маликалари» кўрик-танлови билан бошланиб, сумалак сайлига уланиб кетди. Талабалар бахрибайт айтишувини ўтказдилар. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалида Наврўз тантаналари «Баҳор маликалари» кўрик-танлови билан бошланиб, сумалак сайлига уланиб кетди. Талабалар бахрибайт айтишувини ўтказдилар. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалидаги Наврўз тантаналари «Баҳор маликалари» кўрик-танлови билан бошланиб, сумалак сайлига уланиб кетди. Талабалар бахрибайт айтишувини ўтказдилар.

Байрам тадбирларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ўктам Турдиев иштирок этиб, йиғилганларни фасллар келинчаги Наврўзи олам ташрифи билан табриклади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,

«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## ● ОБУНА-2007:

# Танлов ғолиблари аниқланди

Тахририятимизда газетамизга обуна уюштиришда фаол иштирок этганларни муносиб тақдирлаб бориш анъана тусини олган. Бу йилги обуна мавсумида ҳам Агентликнинг ҳудудий бошқармалари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиаллари, туман почта алоқаси тармоқлари, почта алоқаси бўлимлари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари, «Матбуот тарқатувчи» АК вилоят корхоналари ҳамда обуна билан шуғулланадиган махсус ходим (агент)лар уртасида танлов ўтказилди. Яқинда тахририят аъзоларидан тузилган ҳайъат ушбу танлов ажуллари ни қўриб чиқди.

Обуна натижаларига қура, танловнинг биринчи ва учинчи урин учун белгиланган шартлари бажарилмаган.

Ўтган йилги танловда булгани каби бу сафар ҳам Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи 250 дона йиллик обуна ташкил қилиб, танловнинг иккинчи шarti буйича ғолибликни қўлга киритди ва тахририят томонидан 200 минг сўм билан мукофотланди.

Шунингдек, танловда фаол иштирок этган Агентликнинг Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаларида, «Қорақалпоқ Телеком» филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қорақалпоқ, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва «Тошкент почтамти» филиаллари, Тошкент ахборот технологиялари университети, шунингдек, газетанинг Фарғонадаги мухбири Ҳафиза Салъовага тахририятнинг махсус совғилари ва «Фахрий ёрлик»лари тақдим этилди. Мукофотлар муборак бўлсин!



ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбек халқини жонажон  
юртимизга баҳорий тароват  
олиб кирган  
**Наврўзи олам**  
билан самимий кутлайди.

Қадри ватандошлар!  
Она Ватанимиз  
равнақи йўлидаги  
фаолиятингизда  
улкан  
зафарлар тилаймиз.

Ҳар бир хонадонда эзгулик,  
бахт-саодат ҳукм сурсин!

РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА  
ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Янгиланиш, яшариш, меҳр-оқибат  
ва саховат байрами —

**Наврўзи олам**

билан барчани  
муворақбод этади.

Азиз юртдошлар!  
Умрингиз узок, ризқ-  
насибангиз бутун бўлсин.

Наврўз барчангизга қувонч олиб келсин!

“ГРАНИТ”

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳли  
ва барга алоқачиларни  
умумхалқ байрами —

**Наврўз**

билан самимий кутлайди.

Наврўз нафаси юртимизга,  
хонадонларимизга шодлик, меҳр-оқибат,  
тинчлик-тотувлик олиб кирсин.

Байрам кайфияти Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

© “O‘ZBEKTELEKOM” AQ

“ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

**Наврўз айёми**

муносабати билан  
юртдошларимизга самимий  
тилакларини йўллайди.

Ўтаётган ҳар бир кун  
барчангизга қувонч келтирсин.  
Байрамлар байрамларга  
уланаверсин.

Сизларга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат,  
меҳр-муҳаббат ва фаровонлик тилаймиз!

ALOQA KORXONALARIDA

Телекоммуникация бозорида рақобатнинг кучайиб бораётганлиги мавжуд қувватлардан, айниқса, хорижий сармоялар ҳисобига келтирилган электралоқа иншоотлари ва воситаларидан унумли ва самарали фойдаланишни, хизмат кўрсатиш сифати ва турларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу билан бир қаторда, соҳада ишлаётган ходимлар манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, янги техникаларнинг кириб келиши билан қисқартиришга тушган ходимларни янги иш жойлари билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада «Наманган Телеком» филиалида 2006 йилдан бошлаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

**Наманган шаҳри** ва барча туманлар марказларидаги аналогли АТСлар «ХУА-ВЭЙ» компаниясининг электрон АТСларига алмаштирилгандан кейин шаҳар телефон тармоқлари тўлиқ рақамлаштирилди. Телекоммуникациялар тармоғида электрон АТСлар салмоғи кескин ўсди. Натижада вилоят аҳолисига ўндан ортиқ қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш, «8» рақамини термасдан Наманган шаҳри ва туман марказлари билан тўғридан-тўғри боғланиш имконияти яратилди.

Наманган шаҳрида АТСлар ўртасида айланма оптик-толали алоқа тизими, вилоят ва туман марказларини боғловчи оптик-толали алоқа линияси барпо этилиши натижасида шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати сифати кескин яхшиланиб, телекоммуникация тармоғи орқали маълумот узатиш тезлиги ортди. Эндilikда вилоят марказидан туриб туман марказий АТСларини бошқариш, мижозларнинг телефонларини тармоқдан узиш ва улаш мумкин.

Мижозларнинг замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган талаб ва истакларини ўрганишни кучайтириш, уларни қондириш чораларини кўриш, рақамли телефон станцияларининг қўшимча хизмат турлари тарғиботини мижозлар ўртасида кенг йўлга қўйиш мақсадида филиал ижроия аппаратидаги маркетинг бўлими қайта ташкил этилиб, унинг фаолият доираси кенгайтирилди. Илгари икки киши ишлаган бўлса, ҳозирда 6 нафар ходимдан иборат маркетинг ва назорат бўлими самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлим ходимлари телекоммуникация хизматларига бўлган талабни ўрганиш билан бир қаторда боғламаларда касса интизомига риоя этилишини ва АТСлар қўшимча хизмат турларининг сотилишини ҳар кун текшириб, таҳлил этиб бормоқдалар.

Янги ўрнатилган электрон станциялар қўшимча хизмат турларининг кенг қўламда сотилишини таъминлаш мақсадида 2006 йилнинг март ойидан бошлаб бу ишлар билан машғул бўлган ходимлар сони кескин қўнайирилди. Дастлаб Наманган шаҳри ва туман марказлари аналогли АТСларидаги 22 нафар кросс ходимнинг иш жойлари қисқартирилиб, ўзларининг розилиғи билан маркетинг ҳамда АТСлар қўшимча хизмат турларини сотиш ишларига жалб этилди. Бундан ташқари, телекоммуникациялар боғламаларидаги кассир-операторлар, ҳисобчилар, муҳандис ва бошқа касб эгаларидан жами 58 киши асосий иш вақтларидан бўш пайтларида телефон хизматидаги фойдаланувчи мижозлар ўртасида қўшимча хизмат турларини тарғиб қилиб, мийлаштиришда ишмоқдалар.

Моддий манфаатдорликни таъминлаш мақсадида «Қўшимча хизмат турларини сотишда иштирок этган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди. Ушбу Низомга кўра, ходимга бир ой давомида сотган қўшимча хизмат турларининг бир ойлик тўлови қўшимча ҳақ сифатида тўланмоқда. Ушбу қўшимча ҳақ микдори ҳар ой якунида буйруқ билан расмийлаштирилиб берилмоқда. Содда қилиб айтганда, бу жараёнда бевосита иштирок этаётган ходимлар ҳар ойда 50 минг сўмгача қўшимча ҳақ олмақдалар.

Илгари у ёки бу қўшимча хизмат турини расмийлаштириш учун мижоз телекоммуникациялар боғламаси раҳбарига ёзма ариза бериши, уни қайда этиб, раҳбарнинг



сий корхоналар ва филиал ўртасидаги ҳуқуқий, ҳўжалик муносабатларни белгилаб берди. Ушбу шартномага мувофиқ, хусусий корхоналар зиммасига иш жойлари қисқартирилган телефончи аёлларни қонунчиликда белгиланган тартибда доимий иш билан таъминлаш мажбурияти юклатилди.

Янги ташкил этилган хусусий корхоналарда ишлайдиган ходимлар даромадини ошириш мақсадида уларнинг электрон АТСлар қўшимча хизмат турларини белгиланган тартибда сотиш ва тушган бир ойлик тўлов микдорида қўшимча ҳақ олиши белгилаб қўйилди.

Ўзаро шартномага мувофиқ, хусусий корхоналар телекоммуникация хизматла-

# Наманган тажрибаси У НИМА?



**Вилоят телекоммуникация тизимида кейинги йилларда 600дан ортиқ иш ўринлари яратилди.**

ри ва уларнинг афзалликлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Эндilikдаги асосий вазифалардан бири — мижозлар ўртасида қўшимча хизмат турларини тарғиб қилиш орқали улардан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш бўлиб қолмоқда. Телекоммуникациялар боғламаларида хизматларга доир ахборот-рекламалар кўринарли жойларга ўрнатилди. Қўшимча хизмат турлари ва уларнинг афзалликлари тўғрисида мижозларни кенгроқ хабардор қилиш мақсадида мазкур хизмат турлари рўйхати қайд этилган абонент китобчасининг янги нусхаси тайёрланиб, мижозларга тарқатилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, электралоқа ходимлари иштирокида жойларда реклама-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Шаҳар телефон тармоғи тўлиқ рақамлаштирилгандан кейин эскирган аналогли АТСлардаги электромеханик коммутаторлар ҳисобдан чиқарилди. Шу боис, туман марказларидаги телефон станциялари механик коммутаторларида ишлаётган 65 нафар ходимнинг иш жойлари 2006 йил 1 декабрдан қисқартирилди. Иш ўрни қисқартирилган соҳа ходимларига янги иш ўринлари яратиш бўлимида изланишлар олиб борилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг тегишли кўрсатма ва топшириқлари асосида туман телекоммуникациялар боғламаларидаги шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари шахобчалари базасида провайдерлик йўли билан юридик шахс макомига эга бўлган 13та хусусий корхона ташкил этилди. Иш жойлари қисқартирилган ходимлардан 50 нафари ушбу хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди. Бу хусусий корхоналарга алоқа соҳасида ишлаган ва ишлаётган ходимлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Туман марказларидаги марказий сўзлашув шахобчалари хоналари барча меbel жиҳозлари билан бирига тадбиркорларга ижара тўловисиз фойдаланишга берилган. Хусусий корхона ўзига топширилган сўзлашув шахобчасида санитария ҳолатини ва ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Алоқачи ходимлар томонидан ташкил этилган ушбу хусусий корхоналарни самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Наманган Телеком» филиали билан расмийлаштирилган шартнома хусу-

ри тўловларини қабул қилиш учун назорат касса аппаратини ўрнатади ва белгиланган тартибда ишлатилишини таъминлайди. Касса аппаратини ишлатиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Алоқа ва телекоммуникация соҳасида белгиланган тартибда иш тартиби, шарт-шароит ва хизмат кўрсатиш ҳақи (прейскурантдан кўчирма) каби ахборот материалларини тайёрлайди ва кўринарли жойда бўлишини таъминлайди. Махсус хизмат телефон рақамларига чакирув бўйича бегул хизмат кўрсатади. Мижозларга амалдаги прейскурант бўйича телекоммуникация хизматларини кўрсатади ва белгиланган тарифларнинг тўғри қўлланишини, ички тармоқ ва охириги қўрилмаларнинг сақланиши ҳамда созилигини таъминлашни ўз зиммасига олади. Телекоммуникация хизматлари кўрсатишдан тушган нақд пул тушушини белгиланган тартибда сақланишини ва унинг дахлсизлигини, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарларининг сир сақланишини таъминлайди. Дам олиш кўнлари ва иш вақтидан ташқари пайтларда мижозлардан телекоммуникация хизматлари учун тўловларни қабул қилади ва уларни реестр орқали белгиланган тартибда топширади.

Ҳозирги кунда ҳар ойда телекоммуникация хизматидан хабар тушум хусусий корхона билан «Наманган Телеком» филиали ўртасида ҳисоб-китоб қилиниб, солиштирма далолатномаси расмийлаштириб боришмоқда. Наманганлик алоқачилар томонидан ташкил этилган хусусий корхоналар 2007 йил январ ойида жами 11,4 млн. (битта хусусий корхона ўртача 850,0 минг) сўм даромад олган. Бу ерда ишловчиларнинг бир ойлик иш ҳақи ўртача 52 минг сўмга тўри келди.

Телекоммуникация соҳасига хусусий тадбиркорликни жалб этиш орқали аҳолининг электралоқа хизматига ўсиб бораётган талаб ва аҳтиёжини қондириш борасида ҳам амалий ишлар изчил олиб боришмоқда. Сигими 200 рақамгача бўлган 7та кишлоқ АТС, шаҳар ва кишлоқларда беш юздан ортиқ маҳаллий таксофон ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатмоқда. АТСларнинг бўш сифимларини хусусий тадбиркорларга ижарага бериш орқали вилоятда 40дан ортиқ шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шахобчалари ташкил этилган. Буларнинг кўпчилигини алоқа соҳасида ишлаб пенсияга чиққан меҳнат фаҳрийлари, соҳада фаолият кўрсатаётган алоқачилар ташкил этилгани эътиборга лойиқ.

Ижара шартномаси асосида филиал таъминот участкаси ҳудудида ташкил этилган аккумулятор батареяларини қайта тиклаш ва таъмирлаш «FAUST» хусусий кичик корхонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу хусусий корхона буюртма асосида кишлоқ АТСларининг эскирган станция аккумуляторларини, шунингдек, транспорт участкасидаги автомобиллар аккумуляторларини таъмирлаб бермоқда. Тадбиркорликни телекоммуникация соҳасига жалб этиш борасидаги бу ибратли ишлар натижасида кейинги йилларда 600дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

**Шухрат ПАРПИЕВ,**  
«Хабар»нинг Наманган вилоятидаги мухбири

**Қўшимча хизмат турлари — даромад манбаи**

кўрсатмаси билан буюртмаси амалга оширилгунга қадар бир неча кун кутиши керак эди. Ҳозирда бу тартиб анча соддалаштирилди. Эндilikда мижозлар телекоммуникациялар хизмати учун тўлов амалга ошириладиган жойнинг ўзида тегишли қўшимча хизмат турини расмийлаштириш ва шу куннинг ўзида танланган қўшимча хизмат туридан фойдаланиш имконига эга бўдилар.

«ЎЗНЕТ» тармоғи орқали Наманган шаҳри ва туман марказларидаги АТСлар билан 232-ЭАТС ўртасида идоравий ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Тўлов кассасининг ўзида идоравий компьютер тармоғи орқали муружаат қилган шахсининг телекоммуникациялар боғламаси мижози эканлиги аниқланади. Шундан кейин қўшимча хизмат турлари қайд этилган ариза бланкисини тақдим этилади, у мат турларини топширади. Шундан кейин аризада танланган хизмат турларини мижознинг телефонига улаш тўғрисида 232-ЭАТС (HOST)га компьютер тармоғи орқали топшириқ берилади. Расмийлаштирилган қўшимча хизмат турлари тўғрисидаги қундалик маълумот ҳар иш кунини якунида электрон тармоқ орқали маркетинг ва назорат бўлимига тақдим этилади.

Амалга оширилган ушбу ташкилий-амалий ишлар натижасида АТСлар қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчилар сони ҳам, бундан олинаётган қўшимча даромад ҳам кескин ўсди. Масалан, жорий йилнинг биргина январ ойида 2,5 мингдан ортиқ мижознинг у ёки бу қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш истаги қондирилди. Ҳозирги кунда бундай мижозлар сони 51 мингдан ортди. Ушбу хизматлардан олинган қўшимча даромад микдори январ ойида 12,5 млн. сўмни ташкил этди.

Наманган шаҳрида электрон АТСлар қўшимча хизмат турларини тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича бирмунча тажриба орттирилган бўлса-да, туман марказларида фаолият бошлаган янги станциялар мижозлари бундай хизмат турла-

16 марта в Национальном Пресс-центре Узбекистана прошла церемония награждения победителей конкурсов акции «Весеннее обострение - 2007» Центра UZINFOCOM. Акция была организована в рамках реализации Постановления Президента Республики Узбекистан «О создании общественной образовательной информационной сети Республики Узбекистан» и Национальной программы развития ИКТ.

## Награждения победителей

В церемонии награждения участвовали представители органов государственной власти и управления, в частности, заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Ходжаев, представитель Кабинета министров Ш.Каюмов, представитель Министерства народного образования У.Алламов, представитель Министерства высшего и среднего специального образования Р.Кучкаров и многие другие представители.

С приветственным словом к участникам церемонии обратился А.Ходжаев, который поздравил всех с наступающим праздником Навруз, а также отметил важность развития ИКТ для экономического развития страны, роль общественно-образовательной сети Ziyonet в развитии молодежных информационных ресурсов, удовлетворении их информационных потребностей, стимулировании и поддержке творческих инициатив молодежи в использовании ИКТ.

На церемонии были награждены победители конкурсов по следующим направлениям:

### КОНКУРС «САЙТЫ ZIYONET»

Конкурс проходил с 12 февраля по 2 марта 2007 года. В номинации «Сайт школы» участвовали веб-сайты школ, лицеев, колледжей и гимназий по всей республики. В номинации «Сайт ВУЗа» участвовали веб-сайты республиканских ВУЗов. В номинации «Независимый проект» участвовали сайты с социально-ориентированным содержанием, представленные молодежными проектами, некоммерческими организациями и частными лицами. Компетентное жюри, в состав которого вошли руководители Центра UZINFOCOM, представители спонсоров, независимые эксперты и победители конкурсов «Лучшее эссе» и Телевикторина по ИКТ, провели оценку сайтов и вынесли своё решение по каждой номинации.

В номинации «Сайт школы» были определены три победителя, занявшие соответственно первое, второе и третье место.

Первое место занял сайт общеобразовательной школы № 240 г. Ташкента, ([www.school.240.student.uz](http://www.school.240.student.uz)), автор которого Хабибуллин Дамир Русланович награжден именным сертификатом и получил персональный компьютер + универсальную макси карту «Platinum Express» номиналом \$20. Кроме того, школа № 240 получила коммутируемый доступ в Интернет сроком на 1 год.

Второе место занял сайт Республиканского лицея с военно-профессиональной направленностью ([www.thi.fan.uz](http://www.thi.fan.uz)), автор которого Хамидов Вохид Собирович награжден именным сертификатом и получил приз в виде Цифрового фотоаппарата + макси карту «Platinum Express» номиналом \$10. Кроме того, лицей получил коммутируемый доступ в Интернет сроком на 6 месяцев.

Третье место занял сайт лицея-интерната «Умид» г. Джизака ([www.licey.djizak.com](http://www.licey.djizak.com)), автор кото-



рогу Садыков Насим Хусанович награжден именным сертификатом и получил приз в виде планшетного сканера + макси карту «Platinum Express» также номиналом \$10. А также, лицей-интернат получил коммутируемый доступ в Интернет сроком на 6 месяцев.

В номинации «Сайт ВУЗа» победил сайт филиала Российской экономической академии имени Г.В.Плеханова в г. Ташкенте ([www.rea.uz](http://www.rea.uz)), автор которого Набиев Умид Рашитович награжден именным сертификатом, базовым комплектом новых лицензионных продуктов компании Microsoft (операционная система Windows Vista и MS Office 2007), а также клавиатуру и мышь с фирменной символикой Microsoft.

В номинации «Независимый проект» победителем стал сайт «Бухара – жемчужина востока» ([www.bukhara.uz](http://www.bukhara.uz)). Его автор Мухамедов Шавкат Анварович награжден именным сертификатом, цифровым фотоаппаратом и универсальной макси картой «Platinum Express» номиналом \$20.

### КОНКУРС «ЛУЧШЕЕ ЭССЕ»

Конкурс проходил с 8 по 25 февраля 2007 года.

В номинации «Уроки информатики» победителем стал Ахмад Кодиров, учитель информатики Академического лицея «Нуристон» г. Карши Кашкадарьинской области.

В номинации «ИКТ в преподавательской деятельности» награда присуждена Мингуловой Наргизе, учительнице родного языка и литературы Академического лицея при Ташкентском государственном юридическом институте.

В номинации «ИКТ для совершенствования учебного процесса» лучшей признана работа И.К.Пак, директора общеобразовательной школы № 172 Якка-Сарайского района г. Ташкента.

Все три победителя получили призы в виде набора из стильной настольной светодиодной лампы офисного образца, современной литературы по развитию ИКТ, а также доступ в сеть Интернет сроком на 3 месяца по коммутируемому доступу. Кроме того, все три победителя приняли участие в работе онлайн-жюри конкурса «Сайты Ziyonet».

### ТЕЛЕВИКТОРИНА

Ежедневно в течение 10 дней с 14 по 23 февраля 2007 года на телеканале «Yoshlar» в вечернее время объявлялись вопросы в сфере ИКТ с вариантами ответов.

Телевикторина вызвала большой

интерес среди молодежи и учащихся республики, юноши и девушки со всех областей страны присылали ответы на заданные вопросы в телевикторине. Каждый участник старался правильно и подробно ответить на все вопросы. Помимо объявления вопросов в телеэфире, сразу после него вопросы также дублировались на интернет-форуме Центра UZINFOCOM.

По итогам рассмотрения полученных от участников ответов победителем Телевикторины по ИКТ среди учащихся общеобразовательных школ, лицеев и колледжей стал Идиев Ильхом Аминович, ученик 11 класса школы-гимназии №1 г. Навои, который правильно ответил на первые 9 вопросов и первым прислал правильный ответ на последний 10-й вопрос.

Победитель получил приз в виде DVD-плеера и универсальную макси карту «Platinum Express» номиналом \$20, а также принял участие в работе он-лайн жюри конкурса «Сайты Ziyonet».

### КОНКУРС «КАРТОЧКА УЧЕБНОГО ЗАВЕДЕНИЯ»

Акция проводилась с 12 февраля по 14 марта 2007 г. К участию допускались все пользователи сети Интернет. Победители определены и объявлены 15 марта 2007 года в ходе розыгрыша 10 комплектов призов. Все победители получили призы в виде набора – USB Flash Memory Card, компакт-диск по открытому и свободному программному обеспечению, а также современный учебник «Информационные технологии». Призы были предоставлены Проектом ПРООН «Создание потенциала для развития Интернет-технологий и их распространения в Узбекистане».

В целом, намеченные цели акции «Весеннее обострение-2007» были достигнуты. На электронную почту Центра UZINFOCOM поступило много писем, пожеланий, просьб от участников конкурсов, посетителей форума и других лиц с различными конструктивными предложениями по организации в будущем аналогичных образовательных акций и конкурсов, способствующих развитию национальных информационно-образовательных ресурсов и повышению уровня компьютерной грамотности молодежи.

Центр UZINFOCOM планирует проводить подобные акции ежеквартально и призывает всех заинтересованных лиц и организации к взаимовыгодному сотрудничеству.

### Ziyonet—АНОНС\*

#### В Ташкенте пройдет чемпионат Азии по шашкам среди юношей и девушек

22-31 марта нынешнего года в столичной гостинице «Саёхат» пройдет чемпионат Азии по шашкам среди юношей и девушек. Организаторами турнира выступают Министерство по делам культуры и спорта Узбекистан и Федерация шашек республики.

В соревнованиях помимо наших соотечественников также примут участие свыше 120 спортсменов в возрасте от 12 до 20 лет из таких стран, как Южная Корея, Монголия, Иран, Таджикистан, Кыргызстан, Афганистан, Туркменистан, Казахстан и Индия.

#### Выставка молодых художников, посвященная празднику Навруз, открылась в Джизаке

В Джизаке открылась выставка работ учащихся профессиональных колледжей и академических лицеев, посвященных празднику Навруз. Около пятидесяти молодых художников представили свои живописные, графические работы и компьютерную графику. Выбранная тематика произведений наглядно показала, что молодежи отлично знакома с историей Навруза, связанными с ним национальными и общечеловеческими ценностями, народными традициями и обычаями.

#### Вышла в свет книга «Ташкент — столица исламской культуры»

Издательско-полиграфическое объединение Ташкентского исламского университета и Информационное агентство «Жахон» выпустили книгу «Ташкент — столица исламской культуры» на узбекском, русском и английском языках. Книга «Ташкент — столица исламской культуры» содержит ответы Президента Ислама Каримова на вопросы корреспондента негосударственного информационного агентства «Туркистон-пресс» в связи с объявлением Ташкента столицей исламской культуры в 2007 году.

#### Партнерство двух университетов

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека и Токийский университет сельского хозяйства и технологий подписали соглашение о сотрудничестве. Первого марта состоялось подписание соглашения об учебном обмене и сотрудничестве между Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека и Токийским университетом сельского хозяйства и технологий. В этом соглашении предусматривается обмен преподавателями и студентами университетов, проведение совместных исследований и другая учебная и научная деятельность.

#### В Петербурге обсудят воспитательную деятельность в вузах

В Российском государственном педагогическом университете им. А.И. Герцена открылась сессия образовательной программы «Воспитательная деятельность в вузе в современных условиях».

Участники сессии обсудят роль партнерских связей в процессе воспитания студентов, значение традиций, организация студенческого самоуправления, использование инноваций и др. Во время сессии для ее участников будет работать служба обмена материалами, размещенными на электронных носителях. От организаторов слушатели получат 15 методических пособий по обсуждаемому вопросу.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети Ziyonet [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

# Xabbar +tv

2007-йил, 23-март  
12 (757)-son

## SPORT

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Тадқиқотнома".  
8.50 Олтин мерос.  
9.00 "Олам ва одам" дастури:  
"Ўзбекистон сабоғи".  
"Боқилар сайёраси".  
9.50 "Баланд тоғлар остида"  
филми.  
10.25 "Юсуф ва Зулайхо".  
Видеofilm.  
10.55 Дунё юзидини.  
11.00 "Ахборот".  
11.15 "Сўғаниклар меҳрибон".  
Телеспектакль. 1-қисм.  
12.30 "Сўғаниклар меҳрибон".  
Телеспектакль. 2-қисм.  
13.50 Олтин мерос.  
13.55 Дунё юзидини.  
14.00 "Ахборот".  
14.20 "Олам ва одам" дастури:  
"Қусто командирининг сув ости  
саргузаштилари".  
15.10 "Наврўз оқинлари".  
15.20 "Ватанпарвар".  
16.20 "Одами эрсин".  
"Боқилар сайёраси".  
16.40 "Этраклар - ҳаёлисиқа  
этаклари".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 Олтин мерос.  
17.20 "Юртим бўйлаб" дастури:  
"Наврўз сабақати".  
17.45 "Оқинлар оушанда".  
17.55 "Ерз мисир - элга мисир".  
18.20 "Ўзбекистон аёли".  
18.40 "Ошани". Телесериал.  
19.15 "Малия ва баник хабарлари".  
19.20 Дунё юзидини.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30  
Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.05 "ТВ шифориди".  
20.10 "Оқинлар ринглари".  
Телесериал премьераси.  
20.50 Дунё юзидини.  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Бир ўлка-ки".  
22.00 "Икки тақдир". Телесериал  
премьераси (Халқинистон).  
22.45 "Қўнғилиниси, муҳаббат"  
(SMS. Овоз бериш).  
22.55 "Юртим бўйлаб" дастури :  
"Икки дара оралгани". Видеofilm.  
1-қисм.  
23.15-23.20 Тунги навалар.



17.55 Дастурнинг оқинлиги.  
18.00 UZEX.  
18.10 Кино-SMS.  
18.15 "Тасвир ва тасвурот". Плов  
Повни.  
18.30 SMS-музыка.  
18.50 Эълонлар.  
18.55 Иқлим.  
19.00 ДАВР.  
19.30 "Ёшлар симфониси". Сериал.  
20.10 UZEX.  
20.15 Қонун қороси.  
20.25 "Юртимда Наврўз кезар".  
20.35 Қўқам навалари.  
20.55 Омон бўлиш.  
21.00 "Муҳаббат дардлари". Сериал.  
21.55 Иқлим.  
22.00 ДАВР.  
22.30 SMS-музыка.  
22.45 "Саломея". Сериал.  
00.10 - 00.15 Ватаним.

## SPORT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 Музыфильм. "Муножазуен:  
паройиб орол".  
18.05 "Телекурер - маркет".

## ДУШАНБА — 26 МАРТ

18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
18.50 "Талқули". Телесериал.  
19.30 "Музыка SMS".  
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/.  
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/  
рус/.  
20.25 Павловский мир. "Чўеса  
морских глубин-2. 2 - часть".  
20.50 "Интервью"/рус/.  
21.00 "Жозефа".  
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
21.50 "Телекурер - маркет".  
22.10 "Аёл қалби".  
22.25 "Экспресски, ёнгинишдами".  
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/  
рус/.  
22.50 Кино: "Авиатор". 1-қисм.  
00.10 - 00.15 Хайри тун, шаҳрин".

## SPORT

7.00 "Бозор утрос".  
8.05 "Малахов +".  
9.05 "Талқин".  
9.35 "Перевертыши". Сериал.  
10.00 "Версия".  
10.30 "Детективна".  
10.50 "Мониторинг".  
11.10 Эркин кураш. Ўзбекистон  
биринчилиги.  
11.35 - 12.10 Мини футбол.  
Ўзбекистон чемпионати.  
\*\*\*  
10.00 "Боқилар спорти".  
18.20 "Тет-а-тет".  
18.30 "Ахборлар" (рус. тилида)  
18.50 "Қим нимада қолди?".  
19.10 "Жан меня".  
20.00 "Вести".  
20.20 "В благоуачини шветов".  
Сериал.  
21.10 Футбол шаҳри.  
21.30 "Хабарлар" (996. тилида)  
21.50 "Муслик тайм".  
22.00 Спортиние кино:  
"Буитракя". Х/ф.  
23.40 ПрофРНИГ.  
00.30 Тунинги оуда бўлиши".

## БИРИНЧИ

04.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00  
Новости.  
04.05 "Доброе утро"  
08.20 "Малахов +".  
09.20 Т/с "А жин элси тизие".  
10.20 "Поинт. Претст".  
11.20 "Лодига. Без комплексов".  
12.20 "Детективни".  
13.00 Друзие.  
13.30 "Контрольная закупка".  
14.20 "Криминальная Россия".  
"Тварь прожащая".  
15.00 Т/с "Любовь как любовь".  
16.00 "Федеральный судья".  
17.00 Вечерние.  
17.20 Т/с "Мужие тайни".  
18.10 "Жан меня".  
19.00 "Татянина аель".  
20.00 "Время".  
20.30 Т/с "Капитинские дети".  
21.30 "К. Лучко. Последние 24  
часа".  
22.30 Ночиние.  
22.50 "Теория непероятности".  
"Болезнь гениев".  
23.40 "Тени и злодег". А.  
Вамплов.  
00.10 "Лощадина энциклопедия".  
00.40 Комедия "Свадьба".  
02.50 Д/ф "За секунды до  
катастрофы. Взрыв в Северном  
море".

## РОССИЯ

04.00 "Доброе утро, Россия".  
07.45 Х/ф "Комната с видом на

огни".  
09.45, 12.40, 03.40 "Вести.  
Дешурини част".  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Вести".  
10.30, 13.20, 19.45 "Местное время.  
Вести - Москва".  
10.50 Т/с "Горыныч и Виктория".  
13.40 "Суд аяет".  
15.00 "Кулаги и партнеры".  
15.40 "Местное время. Вести -  
Московская обл.".  
16.10 Т/с "Каменская".  
17.05 Т/с "Танго агроном".  
18.00 Т/с "Ангел-хранитель".  
20.05 "Спокойной ночи, малыши".  
20.15 Т/с "Карамболь".  
22.00 Торжественная церемония  
открытия Гоа Китая в России.  
00.05 "Синемания".  
00.40 "Дорожный патруль".  
00.50 Комедия "Фаниттоуны".  
02.20 Канал "Евроноэс".

## HTB

05.00 "Сегодня утром".  
08.05 "Сладкие вельи".  
09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00  
"Сегодня".  
09.20, 14.30, 17.30, 20.45  
"Чрезвычайное происшествие".  
09.55 "Кулинарный поединок".  
10.55 "Квартирный вопрос".  
12.35 Т/с "Сыщики 5".  
15.20, 00.40 Т/с "Улицы разбитых  
фонарей".  
18.40 Т/с "Закон и порядок".  
19.45 Т/с "Проклятый рай".  
21.40 Д/с "Победившие смерть".  
22.15 Т/с "Сталки. Live".  
23.15 "Школа злословию". Б.  
Рынская.  
00.10 "Тринадцатая глава".  
02.20 "Совершенно секретно.  
Информация к размышлению".

## КУЛЬТУРА

06.00 Канал "Евроноэс".  
09.00, 18.30, 22.30 "Новости  
культуры".  
09.45 "Путешествия натуралиста".  
10.15 Х/ф "Повесть о человеческом  
сердце".  
12.30 "Линия жизни". С. Капица.  
13.25 "Век русского музея".  
13.55 Телеспектакль. "Маскара".  
15.30 М/с "Волшебник Изумрудного  
города".  
15.50 "Пустыня эзерев".  
16.15 Д/с "Поля небом Европы".  
"Германия".  
16.40 "Порядок слов".  
16.45 "Дворцовые тайны". "Пари-  
мировторей".  
17.15 "Достоиние республики".  
Николюкско-Эрропино.  
17.30 "БлокНОТ".  
18.00 "Ночной полет".  
19.00 Торжественная церемония  
открытия Гоа Китая в России.  
21.05 "Тем временем".  
22.00 Д/с "Архобские мальчишки".  
22.50 "Про АРТ".  
23.20 Т/с "Джоник и Вестер".  
00.10 "Реальная фантастика".  
00.40 Д/с "Пламя". Ади.  
01.40 Ф. Шопен. Нокторны.

## СТС

07.00, 07.55, 08.00, 14.30, 15.00, 15.30, 16.00  
Музытсериалы.  
07.45 М/ф.  
08.30, 10.30, 18.00 Т/с "Моя

прекрасная няня".  
09.00 Т/с "Калетство".  
11.00, 20.00 Т/с "Кто в доме  
хозяйин?".  
11.30 Т/с "Зена - королева воинов".  
12.30 Т/с "Комиссар Рекс".  
13.30 Т/с "Не родись красивой".  
16.30 Т/с "Том и Джерри".  
17.00 Т/с "Сабрина - маленькая  
ведьма".  
17.30 Галилео.  
19.00 Т/с "О.С.С. - одинокие сердца".  
21.00 Т/с "Убойная сила 4".  
23.00 Х/ф "Сеть".  
01.30 Д/ф "Предостережение  
истории". "Путь к власти".

## ТВ3


07.00 Победоносный голос.  
07.30 Х/ф "События жизни".  
09.30 Деньги утром.  
10.00 Х/ф "Такая твоя".  
12.00 Х/ф "Академия Рашмор".  
14.00 М/с "Сабрина - маленькая  
ведьма".  
15.00 Х/ф "Копи шира Соломона".  
17.15 Х/ф "Бизнесит".  
19.30 Кинолания.  
20.00 Х/ф "Слепка".  
22.00 Х/ф "Академия Рашмор".  
00.00 Т/с "Собираетел душ".  
01.00 Х/ф "Американский ниндзя  
3: кровавая охота".

## ДТВ

07.30 Музыка.  
07.35 М/ф.  
09.00, 20.55 Самое смешное видео.  
10.30, 16.30 Д/с "Как уходили  
кумиры. Д. Аслонга".  
10.00 Телемагистр.  
10.30, 01.25 "Карданный вал +".  
11.00 Т/с "Дальнобойщик".  
12.10 Камера смеха.  
12.55 Т/с "Секретный агент  
МакЗайвер".  
13.55 Т/с "Детектив Нэш Бриджес".  
15.00 "Кладмбор".  
15.30 М/ф.  
16.55 Х/ф "Карибское золото".  
19.00 Самое невероятное видео.  
20.00 Т/с "Секретный агент  
МакЗайвер".  
21.25 "Кладмбор".  
22.30 Камера смеха.  
23.00 Т/с "С.S.I. место преступления.  
Майани".  
00.00 Гоалье и смешные.  
00.30 Самое невероятное видео.

## THT

04.45 Т/с "Любовь и тайны Санкт  
Бин".  
05.30, 12.30, 18.00 Такси.  
05.55 "Глобальные новости".  
06.00, 18.30 Москва: инструкция по  
применению.  
06.25 "Хит-парад дикой природы".  
07.20 Пресланиматель.  
08.00 "Школа ремонта". "Обыкновенный  
китайский модерн".  
09.00 Т/с "Счастливые вместе".  
10.00 М/ф.  
13.00 Т/с "Саша+Маша".  
14.00, 20.00, 23.00, 00.00 "Дом 2".  
15.00 Триллер "Слепка с дьяволом".  
17.00, 19.00 Т/с "Счастливые  
вместе".  
21.00 Комедия "Десять арлов".  
01.00 Мелодрама "Жесткой  
кубков".


**О'ЗБЕКИСТОН**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки даре оралини". Видеофильм: 1-қисм.  
"Бодлар сифатси".  
9.15 "Бадина тоғлар остида" фильми.  
9.45 "Ерга меҳр - элга меҳр".  
10.15 "Юсуф ва Зулайхо".  
Видеофильм:  
10.30 "Метин ва банк хабарлари".  
10.35 Дунё иқлими.  
11.00 "Ахборот".  
11.15 "ТВ шифокор".  
11.20 "Оила ришталари".  
Телесериал.  
11.55 Самарқанд - 2750.  
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)  
12.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Усимлиқлар дуниси".  
12.20 "Умр дафтери", М. Уйғур. 1-қисм.  
12.45 "Умр дафтери", М. Уйғур. 2-қисм.  
13.05 "Икки тақдир", Телесериал.  
14.35 Олтин мерос.  
13.55 Дунё иқлими.  
14.00 "Ахборот".  
14.30 "Олам во одам" дастури: "Қудо командирини сув ости саргушталари".  
15.10 "Дил тарониси".  
15.20 "Заковат".  
16.20 "Бир улка-и".  
"Этказлар - яхшиликка етаклар".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 Олтин мерос.  
17.25 НИНВ хабарлари.  
17.40 "Галлинка элтибор - келажакка элтибор".  
18.00 "Оҳанглар ошуша".  
18.15 "Агар Сит".  
18.35 "Сизнинг адвокатингиз".  
18.40 "Опин", Телесериал.  
19.10 "Банк ва миқдо".  
19.20 Дунё иқлими.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.05 "ТВ шифокор".  
20.10 "Оила ришталари".  
Телесериал.  
19.00 "Вести недели".  
20.00 "Специальный корреспондент".  
20.25 Детектив "Психопатия".  
22.45 Комедия "Векет, как утопленнику".  
00.50 Комедия "Образцовый самец".  
02.40 Т/с "Доктор Ветас".  
03.15 Канал "Европьюс".

**НТВ**

04.50 Боевик "Смертельный гипноз".  
06.20 М/ф: "Королева Зубная щетка", "Кот в сапогах".  
07.00,09.00,12.00,15.00 "Сегодня".  
07.15 Лотерея "Русское лото".  
07.40 "Дилый мир".  
08.15 "Их нравы".  
09.20 "Едем дома".  
09.55 "Счастливы рейс".  
10.45 "Тор Geat".  
11.20 "Авиаторы".  
12.25 "Тридцатая глава".  
13.05 Комедия "Мы с Вами где-то встречались...".  
15.20 "Один день. Новая версия".  
16.00 "Своя игра".  
16.55 Т/с "Алюют".  
18.00 "Сегодня. Итоговая программа".  
18.50 "Чистосердечное признание".  
19.20 "Чрезвычайное происшествие".  
19.55 "Главный герой".  
21.00 "Воскресный вечер".  
22.15 Боевик "На грани безумия".  
00.30 Т/с "Алюют".  
02.10 "Криминальная Россия".

**КУЛЬТУРА**

05.30 Канал "Европьюс".  
09.10 "Капучино".  
09.40 Х/ф "Осторожно, бабушка!".  
11.00 "Легенды мирового кино". Ф. Раневская.  
11.30 "Музыкальный юнок".  
11.45 Х/ф "Золотой ключик".  
13.05,00.55 Д/ф "По следам очкового медузы".  
14.00 "Что летать".  
14.45 "Эпизоды". М. Верхоланцев.  
15.25 Х/ф "Печки-лавочки".  
17.05 М/ф.  
17.20 Киноконцерт "Я хочу добра".  
17.50 Х/ф "Проинвидия, или Бет на месте".  
19.15 "Чему смеетесь? или Классики жанра".  
20.00 Д/ф "Знаки времен. История письма".  
20.55 Опера "Дочь полка".  
23.30 Д/ф "Сияющий камень".

00.10 "Прогулки по Бродвею".  
00.35 Д/ф "Старый город Сиены".  
01.50 М/ф "И смех, и грех".

**СТС**

07.00 Мультифильм.  
08.55 Мультифильм.  
11.00 Самый умный.  
13.00 Жизнь прекрасна.  
15.00 Снимите это немедленно.  
16.00 Д/ф "Мать и дочь".  
17.00 Следи выпуск.  
17.30 6 кадров.  
17.40 Х/ф "Дом-фантом в припадке".  
22.00 Х/ф "Париматерия и Чудовище".  
00.10 Связь богу, ты приходи!  
01.30 "Кино в деталях".  
02.25 Х/ф "Молодые пацаны".  
03.45 Х/ф "Мугаты 2".  
05.00 Х/ф "Трое - уже толпа".

**ТВЗ**

07.00,08.00,09.00 М/ф.  
07.30 Жизнь, полная радости.  
08.30 М/с "Люди Икс".  
10.00 Х/ф "Мой гризид".  
12.00 Х/ф "Путь к приазлу".  
14.00 Х/ф "Власть огня".  
16.00 Х/ф "Приказ оперы".  
19.00 Кинограмма.  
20.00 Х/ф "Гольф-клуб".  
22.00 Х/ф "Я тебя люблю".  
00.00 Т/с "Левие ведам".  
01.00 Т/с "Семья Сопрано".  
02.00 Х/ф "Крокотид".  
04.00 Х/ф "Жизнь как секс".

**ДТВ**

08.00 Чемпионат анекдотов.  
08.55 Тысяча мелочей.  
09.25 М/ф.  
11.25 Х/ф "Побег из Атлантиды".  
13.25 Д/с "Как уходили кумиры. Сонька-Золотая Ручка".  
14.30 "Я выжил".  
15.25 Шоу российских рекордов.  
16.30 Самое невероятное видео.  
17.30 Самое смешное видео.  
17.55 Смешная реклама.  
18.25 "Этот безумный мир".  
18.55 Территория призраков.  
19.55 Фабрика смеха.  
20.50 Т/с "Дальнобойщики".  
23.00 Т/с "С.S.I. место преступления. Майами".  
01.00 Шоу рекордов Гиннеса.

**ТНТ**

06.00,11.15 М/ф.  
06.25,12.00,12.30 М/с.  
08.00,18.00 Т/с "Саша+Маша".  
08.30 "Такси" в Петере.  
09.00 Триллер "Шестое чувство".  
13.00,20.00,23.30,00.25 "Дом 2".  
14.00 Боевик "Говорили с ветром".  
17.00 Звезда против карокае.  
18.30 Т/с "Женская лига".  
19.00 "Битва экстрасенсов".  
21.00 "Комеди Клуб".  
22.30 "Cosmopolitan. Видеоверсия".  
01.20 Комедия "В чем дело, док?".  
03.10 "Капитал".

## TV-Марказ

## Душанба

07.00 "Премьера" (р.уб.)  
07.30, 10.40, 14.00, 16.30,  
18.30, 20.50 Ўзбек наволари  
08.00 "Премьера" (рус)  
08.30 "Сайлдоғ"  
08.45, 13.00, 15.45, 17.30 Мировые хиты  
09.00 Сернал "Тайная стража"  
10.00 "Сунмас озулар"  
11.00 Кино-SMS. Фильм победитель прошлой недели  
15.00 Теления  
17.00 "Судьбы-Такдирлар"  
18.00 "Премьера" (р.уб.)  
19.00 "Премьера" (рус)  
19.30 Сернал "ТАЙНАЯ СТРАЖА"  
20.30 "Спецрепортаж"  
22.00 "ПРОДЮСЕРЫ" худ.фильм  
00.30 Миксер

## Сешанба

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 10.30, 13.40, 16.30,  
17.45, 18.10, 20.25, 21.30 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10, 14.40, 15.45 Мировые хиты  
09.00 Сернал "Тайная стража"  
10.00 "Премьера" (р.уб.)  
11.00 "Пролюсер" худ.фильм  
13.30 Марказ NEWS (р.уб.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Теления  
17.00 "Топ-20"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал "ТАЙНАЯ СТРАЖА"

20.10 "Сайлдоғ"  
21.00 "Великолепная семёрка"  
22.00 "ДЖЕНТЕЛЬМЕНЫ УДАЧИ" худ.фильм  
23.45 Миксер

## Чоршанба

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 10.30, 14.10, 16.15,  
18.10, 20.10, 21.30 Ўзбек наволари  
07.30 "Премьера" (рус)  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
08.50, 10.00, 12.45, 14.40, 15.45, 17.45 Мировые хиты  
09.00 Сернал "Тайная стража"  
11.00 "Джентельмены удачи" худ.фильм  
13.30 Марказ NEWS (р.уб.)  
13.40 "Юлдузи пайшанба"  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Теления  
16.00 "Сайлдоғ"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал "ТАЙНАЯ СТРАЖА"  
21.00 "Миссия непоторима"  
22.00 "БЕРЕГИСЬ АВТОМОБИЛИ" худ.фильм  
23.50 Миксер

## Пайшанба

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 08.25, 10.30, 13.40,  
16.00, 18.10, 21.30 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 "Сайлдоғ"  
09.00 Сернал "Тайная стража"  
10.00, 12.50, 14.40, 15.45, 17.30

Мировые хиты  
11.00 "Берегись автомобиля"  
худ.фильм  
13.30 Марказ NEWS (р.уб.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Теления  
17.00 "Великолепная семёрка"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал "ТАЙНАЯ СТРАЖА"  
20.10 "Спецрепортаж"  
20.30 "Премьера" (р.уб.)  
21.00 "Юлдузи пайшанба"  
22.00 "ЛЮБОВЬ С УВЕДОМЛЕНИЕМ" худ.фильм  
00.00 Миксер

## Жума

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 10.00, 13.40, 15.45,  
18.10, 19.40, 20.50, 21.45 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 "Топ-20"  
09.00 Сернал "Тайная стража"  
11.00 "Любовь с уведомлением" худ.фильм  
13.00, 14.40, 17.30 Мировые хиты  
13.30 Марказ NEWS (р.уб.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Теления  
17.00 "Миссия непоторима"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 "Кулиар фантазиялари"  
20.10 "Сунмас озулар"  
21.00 "Премьера" (рус.)  
21.30 "Сайлдоғ"  
22.00 "СМОКНИНГ" худ.фильм  
00.00 Миксер

## Шанба

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 09.00, 09.45, 13.00,  
17.00, 18.10, 21.40 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10, 14.30, 16.20 Мировые хиты  
09.30 "Сайлдоғ"  
11.00 "Смокинг" худ.фильм  
14.00 "Премьера" (р.уб.)  
15.00 Теления  
16.30 "Судьбы-Такдирлар"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
21.00 Концерт  
21.00 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
22.00 "МИСТЕР И МИССИС СМИТ"  
00.15 Миксер

## Якшанба

07.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
07.10, 14.15, 16.20, 17.00,  
18.10, 18.45, 20.30 Ўзбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 Концерт  
10.00 "Сунмас озулар"  
11.00 "Мистер и миссис Смит"  
13.30 "ТАП ЙҮК"  
15.00 Теления  
16.30 "Премьер" (рус.)  
17.30 "Юлдузи пайшанба"  
18.00 Марказ NEWS (р.уб.)  
18.30 "Сайлдоғ"  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
21.00 "Миссия непоторима"  
21.00 "Топ-20"  
22.00 "ЛУЧШЕ НЕ БЫВАЕТ"  
00.30 Миксер

## RTR SPORT

## Душанба

06.00, 08.10, 17.10 Фигурное катание. ЧМ.  
08.00, 10.00, 13.45, 18.40, 01.00 "Вести-спорт".  
10.10 "Вести-спорт. Местное время".  
10.25, 11.55, 13.55, 15.55, 20.45, 04.40 ЧМ по волевым видам спорта.  
18.55 Волейбол. Чемп. России. 1/4 финала.  
21.55 "Неделя спорта".  
22.55 Баскетбол. Чемп. России. "Динамо" (Мос.) - "Химки" (Мос.обл.)  
01.15 Биатлон. Гран-При городов Евразии. Кубок Киншаса.  
02.45 Хоккей. Чемп. России. 1/4 финала.

## Сешанба

06.10 Баскетбол. Чемп. России. "Динамо" (Мос.) - "Химки" (Мос.обл.)  
08.00, 10.00, 13.45, 18.45, 22.25, 01.10 "Вести-спорт".  
08.15 "Неделя спорта".  
09.25 "Сборная России". И. Андерс.  
10.10 Хоккей. Турнир на призы клуба "Золотая шапка". Финал.  
11.30 Волейбол. Чемп. России. 1/4 финала.  
13.55, 17.25, 22.55 ЧМ по волевым видам спорта.  
16.20 "Неделя спорта".  
18.55 "Самый сильный человек". Чемп. России - 2006.  
20.05 Фигурное катание. ЧМ.  
01.20 Биатлон.  
01.55 Баскетбол. Чемп. России. "Динамо" (Мос.) - "Химки" (Мос.обл.)

## Чоршанба

05.30, 13.55, 16.05, 22.30 ЧМ по волевым видам спорта.

08.00, 10.00, 13.45, 18.45, 22.15 "Вести-спорт".  
08.10 Волейбол. Кубок мира. Финалы.  
10.10 Хоккей. Турнир на призы клуба "Золотая шапка". Финал.  
11.25 Фигурное катание. ЧМ.  
17.20 "Путь Дракона".  
17.50 "Рыбка с Развешенским".  
18.10 Атлетизм. ЧМ по ризин. "Ризин Прогноз". Пролог.  
19.00 "Самый сильный человек". Чемп. России - 2006. Финал.  
20.05 "Золотая шест". Церемония вручения национальной премии в области боевых искусств.  
01.10 Биатлон. Гран-При городов Евразии. Кубок Киншаса.

## Пайшанба

05.30, 12.15, 13.55, 22.25, 23.45 ЧМ по волевым видам спорта.  
08.00, 10.00, 13.45, 19.15, 22.15, 00.55 "Вести-спорт".  
08.10 "Путь Дракона".  
08.55 "Самый сильный человек". Чемп. России - 2006. Финал.  
10.10 Хоккей. Турнир на призы клуба "Золотая шапка". Финал.  
11.40 "Сборная России". И. Андерс.  
13.25 "Рыбка с Развешенским".  
16.20 Ковальный спорт. Двухтолка. Встрем и с орудием.  
16.55 Хоккей. Чемп. России. 1/2 финала.  
19.20 "Точка отрыва".  
19.55 Хоккей. Чемп. России. 1/2 финала.  
01.08 "Точка отрыва".  
01.35 Биатлон. Гран-При городов

Евразии. Кубок Киншаса.  
03.25 Хоккей. Чемп. России. 1/2 финала.

## Жума

05.30, 14.45 ЧМ по волевым видам спорта.  
08.00, 10.00, 12.45, 19.15, 22.15, 00.40 "Вести-спорт".  
08.10 "Неделя спорта".  
08.55, 10.15 Волейбол. ЧМ на трек.  
11.35 Атлетизм. Международная серия "АГ".  
12.55 Волейбол. Чемп. России. "Самарас" (Хаб.) - "Зарье-Омского" (Мос.обл.)  
16.15 "Футбол России. Перел туров".  
16.55, 19.55, 02.50 Хоккей. Чемп. России. 1/2 финала.  
19.25 "Рыбка с Развешенским".  
22.25 "Вести-спорт. Местное время".  
22.55 Баскетбол. Чемп. России. УНИКС (Каз.) - "Динамо" (Мос.).  
00.50 Баскетбол. Евролига. "Финикс 4х". 1/2 финала. "Спартак" (Мос.обл.) - ЦСКА (Сам.).  
01.45 Атлетизм. ЧМ по ризин. "Ризин Прогноз". Пролог.

## Шанба

05.30, 13.55, 11.25, 04.25 ЧМ по волевым видам спорта.  
08.00, 10.00, 13.45, 19.05, 22.00, 00.30 "Вести-спорт".  
08.10, 02.45 Волейбол. ЧМ на трек.  
10.10, 22.15 "Вести-спорт. Местное время".

01.15 "Неделя спорта".  
10.50 "Футбол России. Перел туров".  
12.35 "Самый сильный человек".  
16.10 "Точка отрыва".  
16.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - "Локомотив" (Мос.).  
19.20 Футбол. Чемп. Англии. "Фулхэм" - "Портсмут".  
21.25 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.  
22.55 Футбол. Премьер-лига. "Амкар" - "Динамо" (Мос.).  
00.35 Волейбол. Лига чемпионов. "Финикс 4х". 1/2 финала. "Динамо" (Рос.) - Тур (Фр.).

## Якшанба

05.30, 13.55, 01.05 ЧМ по волевым видам спорта.  
08.00, 10.00, 13.45, 17.25, 22.25, 01.00 "Вести-спорт".  
08.10, 02.20 Волейбол. ЧМ на трек.  
09.40 "Битво миллион".  
10.10, 22.40 "Вести-спорт. Местное время".  
10.20 "Страна спортсменов".  
10.55 Футбол. Премьер-лига. "Лун-Энергия" - "Ростов".  
13.10 "Сборная России". Е. Попов.  
15.55, 17.35, 18.15 Хоккей. Чемп. России. 1/2 финала.  
20.30 Баскетбол. Евролига. "Финикс 4х". Финал.  
22.45 Волейбол. Лига чемпионов. "Финикс 4х". Финал.  
04.45 Атлетизм. Международная серия "АГ".

Савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасининг барча жабҳаларида ҳисоб-китобларнинг пластик карточкалар орқали амалга оширилиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки, пластик карточкаларнинг қулайлиги ва афзалликлари талайгина.



## АТ «Алоқабанк» сўм пластик карточкалари: ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ ТўЛОВ ВОСИТАСИ

Пластик карточкадан республиканинг исталган бурчагида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Карточка эгаси унда чекланмаган миқдорда электрон пул сақлаши мумкин ва бу билан йирик харидларни амалга ошириш пайтида ўзи билан катта миқдордаги пул маблағларини олиб юришдан халос бўлади. Карточкадаги пул маблағлари унинг эгасигина биландиган парол (Pin-код) билан ҳимояланган. Пластик карточка соҳиблари банк, савдо ва сервис шаҳобчалари томонидан ўрнатилган имтиёз ва чегирмалардан фойдаланиш имкониятларига эгадилар.

Пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш терминаллари уй-жой коммунал хизматлари, телефон, шу жумладан, уяли алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шаҳобчаларида, алоқа бўлимларида, автомобилларга ёнилги қўйиш ва тургун савдо шаҳобчаларида, авиа ва

темир йўллар чипталарини сотиш кассаларида, ресторан ва меҳмонхоналарда, тижорат банклари бўлимларида ўрнатилган. Шунга қўра, пластик карточка соҳиблари ундан фойдаланган ҳолда маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, коммунал хизматлар, шунингдек, телефон алоқаси учун ҳисоб-китобларини ўтказиш, пластик карточкадаги маблағлар ҳисобидан банк бўлимларидаги терминаллар ва банкоматлардан нақд пул олиш ҳамда пластик карточкадаги маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш орқали тўлдириб бориш имкониятларига эга.

Яна бир афзаллик — банк томонидан пластик карточкадаги пул маблағи қолдигига фойз даромади тўланиб, ҳар ойда капитализация қилиб борилади. Демак, ушбу хизмат даромадини оширишнинг оддий усули ҳамдир.

АТ «Алоқабанк»да пластик

карточка эгалари учун истеъмол кредитларини ажратиб йўлга қўйилган. Пластик карточкага ўтказилган маблағлар ҳисобидан қайтариладиган ушбу истеъмол кредитлари уй-рўзгор буюмлари ва маиший техника сотиб олиш, соғлиқни тиклаш ва даволаниш, тўй маросимларини ўтказиш каби мақсадларга ажратилади.

Ҳозирда «Алоқабанк» томонидан 20 000 дондан зиёд сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилди. Ушбу карточкаларнинг 97 фоизи банк миқозлари бўлган 200 дан ортқ турли мулкчилик шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ишлатилмоқда.

Банкнинг миқозлари бўлган йигирмадан ортқ корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида корпоратив карточкалар чиқариб берилган. Корпоратив пластик карточка ёрдамида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида товар

ҳамда кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкин.

«Алоқабанк» сўм пластик карточкалари савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида ўрнатилган терминаллар қайси банкка тегишлилигидан қатъи назар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш ҳамда касса терминаллари ва банкоматлар орқали нақд пул олиш имкониятларини беради.

Пластик карточкаларига хизмат кўрсатиш мақсадида банк томонидан Тошкент шаҳри ва республика бўйлаб 346та терминални ўз ичига олган тармоқ яратилган.

Банкда коммунал хизматлар ва телефон алоқаси учун аҳолидан тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратилгани сабабли терминалларнинг 80таси почта алоқаси бўлимларида, 55таси банкнинг филиаллари, жамғарма кассалари ва мини-банкларида, 33таси телефон алоқаси, шу жумладан, уяли телефон хиз-

матлари учун тўловларни қабул қилувчи шаҳобчаларда ўрнатилган. Шунингдек, 178та терминал тургун савдо ташкилотлари, АЁҚШлар ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида жойлаштирилган.

АТ «Алоқабанк»да пластик карточкалар тизими орқали ўтказилаётган амалиётлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган 2006 йил давомида пластик карточкалар бўйича транзакциялар сони 4 баробарга ортиб, 328842тани ташкил этди. Уларнинг суммаси 16 мартага ўсиб, 6 688 млн. сўмга тенг бўлди. Бу ижобий тенденция 2007 йилда ҳам давом этмоқда.

Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидаги пул маблағлари қолдиги жорий йилнинг 2 ойи давомида 32,5 фоизга ошди, бу — ўз навбатида «Алоқабанк» пластик карточкаларига ишонч ва қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолатдир.

# Бугуни зафарли, эртаси хайрли корхона

ALOQA KORXONALARIDA

**Бир вақтлар нафақат бошқа давлатлар, балки қўшни вилоят билан ҳам телефонда сўзлашув учун телеграф залларида соатлаб кутишга мажбур бўлган навоийликлар бугун жаҳоннинг хоҳлаган мамлакати билан уйларида ўтириб, бемалол тез ва соз боғланиш имкониятига эгалар. Шунингдек, турли қўшимча хизматларнинг жорий этилганлиги миқозларга қулайликлар яратиш билан бир қаторда, соҳага янги мазмун олиб кирди.**

**Бугунги кунда** «Навоий Телеком»да рақамли станциялар сифими 64 минг 492тани ташкил этади. Бу рақам 2005 йилда 61 мингдан сал ортқироқни ташкил этган эди. Вилоятнинг телекоммуникациялар боғламаларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини ошириш бўйича қилинган саяҳат-харакатлар ўз самарасини бермоқда.

Олис Қизилқум чўли ортида яшаётган чўпон хонадонлари ҳам «Навоий Телеком» филиали имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётганлиги шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни камайитиришга эришиш сари ташланган дадил қадам бўлди. Жумладан, Учқудуқ туманида 2004 йили бор-йўғи 40та телефон нуқтаси мавжуд бўлган бўлса, уларнинг ҳам аксарияти корхона ва ташкилотларга тегишли эди. Янги телекоммуникациялар боғламаси ташкил этилгандан сўнг учқудуқликлар-

нинг ҳам орзуси ушаладиган бўлди. Яъни 2005 ҳамда 2006 йилларда телефон нуқталари сони 3102тага кўпайди. Энг муҳими, унинг 2059тасидан аҳоли хонадонларида фойдаланилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган йилнинг ўзида филиал маркетинг бўлими томонидан Қизилтепа, Кармана, Хатирчи туманлари қишлоқларида истиқомат қилувчи хонадонларнинг телефон алоқасига бўлган эътиёжлари ўрганилиб, ижара шартномаси асосида телефон нуқталари ўрнатилди. Қизилтепанинг чекка «Тожиқон» маҳалласида 10та (230 минг сўм) телефон нуқтаси, Кармана туманидаги «Катта мачит» маҳалласига 3 миллион 936850 сўмга 30та, «Лубатон» ва «Талқоқ» маҳаллаларига 1 миллион 536 минг сўмга 20та, Хатирчи туманидаги «Чинобод» маҳалласи ва

«Қиймадўз» қишлоғи аҳолисига 2 миллион 695 минг сўмга 30та, «Шехлар» қишлоғига 1 миллион 130 минг сўмга 10та телефон нуқтаси ўрнатилганлиги ижара шартномаси ўзини оқлаётганлигидан далолат бериб турибди.

Бундан ташқари, Навоий шаҳрининг «Ҳаёт» ва «Истиклол» маҳаллаларидаги 50та хонадон ҳам шартнома асосида телефон хизматидан фойдаланмоқда. Худди шу йўналишдаги ишлар 2007 йилда ҳам давом эттирилади. Жорий йилнинг I чорагида Зарафшон шаҳридаги 300та хонадон, Навоий шаҳридаги «Истиклол» ва «Гулистон» маҳаллаларида 30та хонадон телефонлаштирилиши режалаштирилган.

Аниқ мақсадларни амалга ошириш учун Зарафшон шаҳрида 21 миллион 557 минг сўм, Навоий шаҳрида эса 4 миллион 249 минг сўмдан ортқорроқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ўрناق олса арзийдиган «Навоий Телеком» филиалида аҳолига кўрсатилган хизматлардан олинган даромад ўтган йили 2 миллиард 972,7 миллион сўмни ташкил этди.

«Навоий Телеком» филиали абонентлари «Ўзбектелеком» АҚда жорий этилган янги қўшимча хизматлардан доимий равишда самарали фойдаланиб келишмоқда. Навоийликларнинг айрим ҳудудлар учун энди жорий қилинаётган «Рақам термасдан уланиш», «Қисқартирилган

рақам териш», «Безовта қилманг», «Тилсим (парол) орқали шаҳарлараро алоқа», «Конференц-алоқа», «30 сония давомда жавоб бўлмас, кириш кўнғироқлари манзилни ўзгартириш», «Телефон рақамини аниқлаш», «Банд абонентни чақириб (авточақирув)» ва бошқа шу каби 16 турдаги қўшимча хизматдан фойдаланишга ётганига ўн йил бўлди ва бу тизим йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Масалан, 2005 йилда қўшимча хизматлардан 80 миллион сўм фойда олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 127 миллион сўмга етди.

Бундан ташқари, «09» ва «08» хизматларининг марказлашган ҳолда фаолият кўрсатаётганлиги ҳам ютуқларни кўлга киритишга асос бўлмоқда. Чунинчи, «09» хизмати туфайли 2005 йилда 17 миллион сўм фойда келган бўлса, бу рақам 2006 йилда 20 миллион сўмга ўсганлиги марказлаштиришнинг истиқболдан далолат беради. Жорий йилда «07» хизматида ҳам марказлаштириш режаси амалга оширилса, тизимда янада катта ютуқлар кўлга киритилиши, шубҳасиз.

Хуллас, бугуни зафарли, эртаси хайрли «Навоий Телеком» жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатиш турлари билан тараққиёт сари дадил одимламоқда.

**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги муҳбири

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи ва барча алоқачиларга  
тўқинлик ҳамда қут-барака рамзи бўлмиш

### Наврўз

муносабати билан энг эзгу тилакларини йўллайди.



Серкўёш заминимиз  
обод, дастурхонимиз  
тўқин бўлсин.  
Бир-биримизга  
бўлган меҳр-оқибат  
ҳеч қачон  
йўқолмасин.

Хур ва обод юртимиз янада гуллаб-яшнасин!

## “ЧИРКОМ” кўшма корхонаси жамоаси

Жонажон юртимиз аҳолисини,  
жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш  
соҳаси ходимларини

### Наврўзи олам

билан муборакбод этади.



Муҳтарам юрдошлар,  
азиз ҳамкасблар!  
Эзгулик байрами  
Сизга олам-олам  
шодлик, бахт-саодат  
келтирсин.

Баҳорий айёмингиз муборак бўлсин!

© “O‘ZBEKTELEKOM” AK

## “АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

Юртимиз аҳолисини  
янгилашиш ва яшариш,  
гўзаллик ва нафосат  
байрами – Наврўз  
билан қутлайди.



Хонадонингизга  
тинчлик-хотиржамлик,  
ишларингизда  
муваффақиятлар тилаймиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз  
осмони доимо мусаффо бўлсин!

## “ЎЗИ-ЖИЗЗАХ” филиали жамоаси

Барча ватандошларимизни

### Наврўзи олам

билан табриклайди.



Шаҳар ва қишлоқларимиз  
обод, дастурхонимиз  
тўқин бўлсин.

Наврўзингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



**Хотин-қизларнинг ҳар соҳада етуқлиги, маърифатпарварлиги миллатнинг эртаси ёруғлигидан далолат. Шу боис, мамлакатимизда уларнинг маънавий-маърифий, иқтисодий, сиёсий соҳадаги фаолликларини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

## **Зулфияхоним қизлари**

Тошкент ахборот технологиялари университетда ўтказилган "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танлови чинакамга истеъдодларни кашф этди. Танловда университет талабаларидан 4 нафар қиз иштирок этди. Танлов шартига кўра, қизлар Зулфияхонимнинг бой ижодий мероси, университет тарихи, миллий анъаналар ва қадриятларини нечоғлик яхши билишларини саҳнавий рўйишлар орқали намойиш этдилар. Хайъат аъзолари катнашчиларнинг зукколиклари, ижодкорликларини ҳар бир шарҳ буйича баҳолаб бордилар ва умумий тўпланган баҳолаб буйича ғолиблар аниқланди. Ахборот технологиялари факултети талабаси Маҳфуза Йўлдошева 1-ўринга, иқтисодиёт ва бошқарув факултети талабаси Дурдона Илёсова 2-ўрин, телекоммуникация технологиялари факултети талабаси Назоқат Иброҳимова 3-ўрин, радио-техника, радиоалоқа ва телерадиошўртириш факултети талабаси Рухсора Курбонова 4-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар университет "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг қимматбахо совғалари ва университет маъмурияти томонидан пул маъмурияти билан тақдирландилар.

**Дилноза НУРМУХАММЕДОВА,**  
**ТАТУ Маънавият ва маърифат бўлими методисти**

## **"СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ"ДА ЙИФИЛИШ**

Ўтган 2006 йилда "Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси сезиларли ютуқларга эришди. Мавжуд кишлоқ ва автомат телефон станциялари қуввати оширилган ҳолда мижозлар сафи кенгайтирилди.

Филиалнинг йил якунларига бағишланган йиғилишида шундай муваффақиятларни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган жамоалар тажрибаси алоҳида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Узун, Шўрчи ва Жарқўрғон телекоммуникациялар боғламалари барча хизмат турлари буйича яхши натижаларни кўлга киритишди. Бироқ Музработ, Қумқўрғон, Қизирик ва Қарлук телекоммуникациялар боғламалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олишмади.

Йиғилишда амалдаги Ижтимоий ҳимоя йилини ҳар томонлама муваффақият-ли якунлаш режалари белгилаб олинди.

## **РАҚАМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА**


Наврўздан-наврўзгача бўлган даврда ахборот-коммуникация соҳасини замонавийлаштириш сари шахдам қадам ташланди. Хитой кредити асосида Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларидаги телекоммуникация шахобчаларини рақамлаштиришга киришилди.

Кейинги ўтган қарийб беш ой мобайнида "Бойсун-Қашқадарё чегараси" йўналишида 23 километр масофага оптик-толали кабел ётқизилди. Бу ишда Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятидан келган бунёдкорлар хизмати катта бўлди. "Бойсун-Шеробод" йўналишида ҳам лойиҳадаги ялғи ишнинг тенг ярми бажарилиди. Бу йўналиш буйича жами 106 километр масофага оптик-толали кабел лийниси тортилади.

Ҳар иккала иншоотда меҳнат қилаётганларнинг Наврўзни муносиб тухфа билан қутиб олишаётганидан қувончлари чексиз.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
**"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири**

## **МАҲАЛЛАМИЗ — МАНГУЗАР**



Алоқа бўлимининг собиқ "Дўстлик" ширкат бўлимига қарамоғида бўлган чоғи ночор аҳволга тушиб қолгани рост, чунки хизматимизга жиғдий муносабатда бўлинмас эди. Шукрим, кейинги йилларда қишлоқларда ҳам алоқа соҳасига эътибор ортди.

Мангузар маҳалласидаги шахобчамиз вилоятда биринчилар қатори замонавийлаштирилди. У нафақат ташқи кўриниши, балки ички имкониятлари билан ҳам бугуннинг муборак манзилга айланди. Компютер, телефакс, ксерокопия каби телекоммуникация жиҳозлари элга хизмат қилмоқда. Бу ерда мижозлар учун бошқа қўшимча хизмат турлари ҳам ташкил этилган. Буюртмалари хат, оддий хат, хабарнома ҳамда пул жўнатмалари қабул қилиш амалга оширилмоқда.

Шахобчамиздан 28 номдаги газета-журналларни, турли ойнахат, хатжилд марка ва баъзи истеъмол молларини харид қилиш мумкин. Маҳалладошлар бу қўлайликдан бемалол фойдаланишмоқда.

"Мангузар"даги алоқа бўлимининг эл-юрт қорига яраётганидан беҳад хурсандимиз.

**Жамшид ТўРАЕВ,**  
**Термиз туманидаги "Мангузар" алоқа бўлими бошлиғи**

## **SARHISOB**

# **Режалаштириш самараси**

**Ўтган 2006 йил «Самарқанд Телеком» филиали жамоаси учун туб бурилиш йили бўлди. Филиалда телекоммуникация хизматлари буйича режалар 2005 йилга қараганда 32 фоизга, ходимлар ўртача иш ҳақи эса бир ярим бараварга ошди. Даромад кўрсаткичлари буйича Каттақўрғон, Пастдарғом, Жомбой, Қўшрабод, Пахтачи туманлари телекоммуникациялар боғламаларида юқори натижаларга эришилди.**

Йил давомида Хитой Халқ Республикаси "Эксимбанк"и кредити ҳисобидан шаҳар ва туман марказларидаги 14та аналог станция замонавий электрон станцияларга алмаштирилди. Янги ишга туширилган АТСларда 16та қўшимча хизмат шарт этилди. Бу хизматлардан олинган қўшимча даромадлар 2005 йилга нисбатан 12 бараварга ўсди.

Корхонада маркетинг соҳасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Дебитор қарзлар филиалда ўтган йилга нисбатан 27 фоизга камайган. Дебитор қарзларининг ошишига ва сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабабчи бўлган 2та туман телекоммуникациялар боғламаси раҳбари вазифасидан озод қилинди.

Филиалда ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш ва қўлайлаштириш мақсадида ташкил этилган ягона тармок — Биллинг тизими учун 32 донга компьютер сотиб олиниб, ҳар бир боғлама буйича мижозлар рўйхати базага киритилди ва электрон почта тизими ишга туширилди.

Япониянинг JBC лойиҳаси буйича 192 км, узунлигида оптик-толали кабеллар ётқизилиб, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг 14та телефон станцияси ўзаро ҳамда вилоят маркази билан боғланди. Шу билан бирга, NEC компаниясининг станциялараро узатиш тизимлари монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Вилоят электр таъминотидаги режалари ва режасиз узалишлар шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида жуда катта муаммоларни келтириб чиқарар эди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Ўздунробица» кўшма корхонаси билан ҳамкорликда Ургут ва Пастдарғом туман телекоммуникациялар боғламаларида ТЕКСАН-TJ 46 М русумли 36 КВтли автоматик дизел генератори монтаж қилиниб, ишга туширилди.

2006 йилда коммулаторлардаги электромеханик штат бирлиги қисқартирилганлиги сабабли 61 нафар ходим «Самарқанд Телеком» филиали маъмурияти ва «Миллениум Плюс» МЧЖ орасида тузилган шартномага кўра МЧЖга ўтказилиб, иш билан таъминланди. Бундан ташқари, филиал даромадининг ошириш мақсадида вилоят марказидан узоқдаштли ва тоғли жойларда яна 180та ижарачи (провайдер) билан шартнома имзоланди. 2007 йил давомида телефонлаштирилмаган қишлоқларда радио-телефон орқали 60та шахрлараро ва халқаро сўзлашув масканларини очиб, биринчи навбатда собиқ алоқачиларни иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Жорий йил январ ойида 208 рақамга эга бўлган СГМ станцияси сотиб олиниб, Самарқанд тумани Равонак қўрғони ва 112 рақамга эга бўлган шундай станция Пастдарғом туманининг Мевали қишлоқ станциясига монтаж қилинди. Йил давомида яна шундай 4та станция харид қилиниб, аҳоли зич жойлашган ҳудудларга ўрнатилди.

Албатта, эришилган ютуқларнинг асосий сабаби ишни тўғри режалаштириш ҳамда фидокорона меҳнат натижасидир. Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам барча соҳалар каби аҳолини замонавий телекоммуникация тармоғи хизмати билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

**Абдуғафур ХОТАМОВ,**  
**"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири**

# **Мутлолаа бахтига муяссарман!**

**Жамоатчи мухбиримиз «Хабар»нинг андижонлик турли соҳа, турли ёшдаги ўқувчилари фикри билан қизиқди. Марҳамат, уларнинг мулоҳаза ва тилак-лари билан танишинг.**

**Мўтабархон ҚОДИРОВА,**  
**Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази бўлим мудири:**  
— «Хабар» газетасига иш жойимнинг манзилини кўрсатиб, доимий обуна бўлганман. Газета жуда ёқиб қолган. Айниқса, иш фаолиятимизда ҳам асқотадиган ахборотлар бериб борилиши қувонтиради.

Мен касбдошларим номидан тахририят ижодкорларини газетанинг 15 йиллик юбилей шодиёнаси билан қизгин кутлайман! Шахсий тақлиф-мулоҳазаларимни тўқиб-сочимини шарт эмас, деб ўйлайман. Чунки, «Хабар»чилар эртами-кечми, барибир, биз ўйлаганларни ҳам ижодий топқирлик билан матбуотга олиб чиқишади. Зеро, мухбирлик — топқирлик, демакдир! Ҳаммаларига ижодий баркамоллик тилайман.

**Зулфияхон МАНСУРОВА,**  
**«Андижоннома» газетасининг журналисти:**

— Биласизми, ўн беш ёшга етиб келиш айтишгагина осон. Айрим газеталар таъсис этилган узоқ яшаб кетолмаганини яхши биламиз. «Хабар» ўз номига муносиб газета бўлиб қола олди: «сарик матбуот»га қайрилмади, замон зайлидан ҳам айрилмади. Аксинча, айрим жиҳатлари билан замонамиз нашрлари орасида пешқадам, дейишга асосим бор.

Турмуш ўртоғимнинг алоқа соҳаси одами эканидан, «Хабар» газетасини мутлолаа қилиш бахтига муяссарман.

«Хабар»да ижодий фаолият олиб бораётган барча ҳамкасбларимизга сихат-саломатлик, оилавий тотув-

лик, ишларида ҳамжиҳатлик бўлишини тилайман. Меҳнатлари самараси ҳамisha қувонч келтиришини истайман.

**Абдуваҳоб НАСРИДДИНОВ,**  
**Марҳамат тумани «Хўжаарик» алоқа бўлими хабарчиси:**

— Туманимизда «Хабар» газетасини энг аввал биз кўлга оламиз, десам муболага бўлмайди. Шу соҳада ишлаганимиздан эмас, айни «ўзимизнинг газета» бўлиб қадр толганидан. Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғида яшаб-ишлаш баробарида нафақат мамлакат, балки жаҳон алоқа тизими янгиликларидан бохабар бўлишга нима етсин! «Халқаро ҳаёт», «Алоқа оламида», «Сиз кутган учрашув» рукнларида берилган мақолаларни ўқиб мазза қиламан. Умрларидан барка топшин, ўн беш йиллик тўйлари муборак бўлсин!

**Мухаммад ҚОДИР**  
**ёзиб олди**  
**m-kodir@mail.ru**

**"РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ"  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни  
уйғониш, орзу-умидлар,  
эзгу тилаклар рамзи  
ҳисобланмиш янги кун –

**Наврўз**

билан қутлайди.

Севимли диёримизда  
бундай улуг, шодиёнали  
кунлар кўпаяверсин!

Бахт-саодат, байрамона кайфият  
Сизларни асло тарк этмасин!

"O'ZBEKTELEKOM" AK

**"СИРАРЁ ТЕЛЕКОМ" филиали жамоаси**

Барча ватандошларимизни ҳамда алоқа ва  
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини

*Наврўз*

байрами билан чин кўнгилдан табриклайди.

Азиз юртдошлар!

Наврўз хонадонингизга олам-олам  
шодлик олиб келсин. Баҳорий кайфият  
қалбларингизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Она диёримиз гуллаб-яшнайверсин!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ  
**САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ жамоаси**



Наврўз қалбларга шодлик улашаётган ушбу  
шуққўли кунларда юртдошларимизга самимий  
тилакларини йўллайди.

Хонадонингиздан бахт-саодат,  
фаровонлик аримасин. Мустаҳкам  
соғлиқ ва муваффақиятлар доимий  
ҳамроҳингизга айлансин.

Байрамнингиз муборак бўлсин, азизлар!

*Қутлов*

**Жуман ПУЛАТОВ,**  
Миришкор телекоммуникациялар боғламаси  
электромонтёри:

— Мен 1974 йилдан буйн Миришкор телекоммуни-  
кациялар боғламасида электромонтёр бўлиб меҳнат  
қилиб келаман. Ҳозир ёшим салкам 60да.

"Xabar" газетаси мен ва оила аъзоларимнинг ҳам  
севимли газетасига айланган. Газетанинг "Алоқа ола-  
мида", "Давлат алоқа инспекциясида", "Жумадан-жу-  
магача", "Сўранг, жавоб берамиз", "Турмуш чорраха-  
ларида" рунклариди берилётган янгиликлар, мақола-  
лар ҳамда дам олиш саҳифалари ҳар бир ўқувчини  
бефарқ қолдирмайди. Ўз навбатида, тизимда меҳнат  
қилаётган касбдошлар ҳаёти ва изланишлари билан  
яқиндан танишиб борамиз, илгорлар ортидан эргаша-  
миз.

"Xabar" газетасининг 15 йиллиги билан тахририят  
жамоасини қутлаб, эл назарида бўлган ижод ахлига  
ҳамиша қалбингиз эрталабки шудринг мисоли тиниқ ва  
муаффо бўлсин, дея эзгу ниятлар билдираман.

**Эзгу амал**

Зафаробод туманида 40 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларга  
келаётган хат-хабарларни, пул жўнатмаларни, даврий нашрлар, пенсия пул-  
ларини еттига почта алоқаси бўлимида хизмат қилаётган 19 нафар жонкуяр  
ходим ўз муддатда етказиб бермоқда.

— Тармоғимиз биносини Наврўз байрами олдида яхшилаб таъмирладик ва  
байрамона безадик, — дейди туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Илхом ШЕРА-  
ЛИЕВ. — Шунингдек, 50 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эдик. Ходим-  
ларимиз 40 миллион сўмлик газета ва журналларни обуначиларга, 3 минг нафар  
пенсионерга 120 миллион сўмлик пенсия пулларини ўз вақтида етказиб бермоқда.

Утган йили кам таъминланган бир оилага сигир олиб берган, 5 нафар қария ва  
ногиронга бепул газета етказган эдик. 12 нафар кам таъминланган ўқувчини "Ғунча"  
ва "Гулхан" журналларига ўз ҳисобимиздан обуна қилганмиз. Наврўз кунлари кекса  
ходимларимиз — Турдиали Бегимқулов, Иброҳим Утаев, Ширин Татимбетовалар-  
нинг пенсияга чиқиши олдида юбилейларини ўтказдик.

Зафарободлик почта алоқаси тармоғи ходимлари Наврўз байрамини ана шундай  
эзгу ва хайрли амаллар билан кўтиб олдилар.

Алибой ЭРГАШЕВ  
Жиззах вилояти

## ИШҚИБОЗЛАР ОЛҚИШИ

Хоразмда алоқа ходимларининг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.



Волейбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган мусобақада «Хоразм Телеком» филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали ва «Матбуот тарқатувчи» вилоят шўъба корхонаси ходимлари ўзаро куч синашишди. Мусобақада Урганч шаҳри, Хонқа, Қўшқўпир ва Гурлан туманларидан қатнашган спортчи қизлар — Шарифажон Машарипова, Меҳрибон Хайитбоева, Муҳаббат Раҳмонова, Фотира Ражабова, Ҳилола Рўзматова, Матлуба Таганова, Феруза Сапарова, Са-

нобар Қутлимуртовалар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали шаънини муносиб ҳимоя қилиб, биринчилиكنи қўлга киритдилар. Шунингдек, «Хоразм Телеком» филиалидан (2-ўрин) Гулчехра Матрасулова, Гуля Кувондиқова, «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасидан (3-ўрин) Анахон Содикова, Муборак Нур-

матова, Меҳрибон Сапаева, Дилрабо Искандаровалар ҳам ажойиб ўйинлар намойиш қилишиб, ишқибозлар олқишига сазовор бўлишди.

Хоразм вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси барча иштирокчиларни қимматбахо совғалар билан тақдирлади.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ**

**Суратларда: 1. Хоразм вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси спорт йўриқчиси, мусобақа ҳаками Алишер Солаев. 2. Фоли жамоа — «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали спортчи қизлари.**

## ҲАМКОРЛИК

Ўтган ҳафтада Москва шаҳрида Россия футбол уюшмаси раҳбари Виталий Мутко ва Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов томонидан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Мазкур меморандум икки мамлакат футболлари ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш мақсадида тузилди. Учрашув давомида Россия ва Ўзбекистоннинг турли терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашувларини ўтказиш, профессионал ва ҳаваскор клублар, фахрийлар, аёллар ва ёшлар жамоалари учун мусобақалар ташкил этиш юзасидан келишиб олинди. Бунинг натижаси ўларок, Россия ёшлар терма жамоаси мазкур ҳафтада Тошкентга ташриф буюради ва Ўзбекистон ёшлар ҳамда Олимпия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувини ўтказиши.

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз тантаналари нишонланаётган бир пайтда Осиё футбол майдонларида қитъа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг «Нефтчи» ва Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари футбол мухлислари учун байрам совғасини туҳфа этишди.



## «НЕФТЧИ» ВА «ПАХТАКОР» НИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

«Нефтчи» жамоаси ўз майдонида Осиё Чемпионлар лигасининг ўтган йилги финалчиси — Суриянинг «Ал-Карам» клубини қабул қилди. Биринчи бўлимнинг 27-дақиқасида Анвар Бердиевнинг голи фарғоналикларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Лекин «Нефтчи» футболчиларининг қувончи узокқа чўзилмади. Орадан 5 дақиқа ўтиб мезбонлар ярим ҳимоячиси Ферас Исмоил ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлим ҳам тенг курашлар остида ўтди. Учрашунинг 77-дақиқасида «Нефтчи» қарши ҳужумдан унумли фойдаланди. Ушбу вазиятда чап қанотдан Иқболжон Акрамов ҳимоячиларни алдаб ўтиб, тўпни жарима майдони ичига оширди. Носирбек Отақўзиев эса тўпни боши билан дарвоза томон йўналтирди. Зарбани «Ал-Карам» посбони биринчи уринишда бартараф этди, лекин тўп унинг қўлидан чиқиб кетди. Қайтган тўпни эса Отақўзиев дарвоза тўрига жойлаб қўйди.

**«НЕФТЧИ» — «АЛ-КАРАМА» - 2:1**

**Голлар:** Анвар Бердиев, 27; Носирбек Отақўзиев, 77 — Ферас Исмоил, 32.

Шундай қилиб, Саркисян шогирдлари қаторасига иккинчи галабани қўлга киритиб, гуруҳ пешқадамга айланди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Қатарнинг «Ал-Садд» жамоаси қутилмаганда ўз уйида Ироқнинг «Ал-Нажаф» клубига 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» сафарда тўп сурди. Унинг рақиби Қувайт чемпиони «Ал-Кувайт» жамоаси бўлди.

Учрашув деярли тенг курашлар остида ўтди. Майдон эгаларининг хавфли ҳужумларини «Пахтакор» ҳимоячилари қийинчиликсиз бартараф этишди.

Иккинчи бўлимнинг 69-дақиқасига келиб ҳисоб очилди. «Пахтакор»нинг нигериялик легионери Ихероуме Уче мохирлик билан чап қанотда рақиб ҳимоячисини орта қолдириб тўпни жарима майдончасига узатди. Қулай вазиятга чиқиб улгурган Клецков боши билан рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди.

Шундан кейин ҳам икки жамоада гол уриш имкониятлар юзага келди. Аммо ўйин охиригача ҳисоб ўзгармай қолди.

**«АЛ-КУВАЙТ» — «ПАХТАКОР» — 0:1**

**Гол:** Клецков, 69.

Ушбу галабадан сўнг «Пахтакор» жамоаси ҳам «Нефтчи» сингари ўз гуруҳида пешқадамга айланди.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг маънавият ва маърифат бўлими методисти Марғуба Иброҳимовага падари бузруквори

**АББОС отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси ишлар бошқарувчиси Дилшод Абдуғаниевга падари бузруквори

**АБДУСАМИ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асдҷон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқҷон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar» дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❶**  
Реклама матнларининг тўғрилик-лиги таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани таъёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Манзили:** Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

253-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табоқ,  
Алади: 11736 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Матн терувчи: Далфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

● "KABUTARDAN — SAMOVİY ALOQAGACHA!" TANLOVIGA

## Хабарчи бургутлар



Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темури кўшинида алоқа хизмати жуда яхши йўлга қўйилган.

Рус адиби Сергей Бородиннинг "Самарқанд осмонида юлдузлар" тарихий романида келтирилишича, Амир Темури кўшинида махсус алоқачилар гуруҳи бўлган ва уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилган. Мазкур гуруҳнинг махсус ўргатилган бургутлари бўлиб, улар доимий равишда тезкор алоқа хизмати кўрсатиш учун кўшин билан бирга олиб юрилган. Бунинг учун энди болалаган она бургутлардан фойдаланилган, яъни она бургутлар боласидан ажратиб олиниб, кўзи очик ҳолда ҳарбий юришлар вақтида кўшин билан олиб юрилган. Керакли манзил билан алоқа боғлаш зарур бўлган вақтда эса бургутлар оёғига махсус хатлар боғланиб учуриб юборилган. Бургутлар келган манзилларни эслаб қолганлиги сабабли ҳеч қандай ҳавф-хатарсиз — жуда баланд масофада тез учиб, ўз болалари сақланаётган жойга етиб келишган ва шу билан бирга махсус хатларни манзилга етказишган.

Кўриниб турибдики, бобомиз кўшинининг галабаларида уддаброн алоқачиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

**А.САИДОВ,**

"Сурхондарё Телеком" филиали

Узун телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси

*Шабриқ.rahimov!*

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиалининг Кува почта алоқаси тармоғи жамоаси иқтисодчи **Флюраҳон ИСМОИЛОВАНИ** 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қутлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонига файз-барақа тилайди.

*Кутуб*

"Хабар" таҳририяти ижодкорларини ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини газетанинг ўн беш йиллиги билан самимий қутлаймиз.

"Хабар"чиларга янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Қаламингиз доимо ўткир бўлсин, азиз касбдошлар!

"Садо" газетаси жамоаси



● FILATELISTLAR BURCHAGI

### 2001 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

310. "Ал-Фарғоний мақбараси" купонли почта маркаси.

**З.СЕЙФУЛЛАЕВА** дизайни.

Маркада буюк фалакшунос олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг Фарғонада ўрнатилган мақбараси тасвирланган. Аҳмад ал-Фарғонийнинг фалакшўт, жўрофия ва ривзиёт бўйича ёзган асарлари дунёнинг энг машҳур кутубхоналарида сақланмоқда.



311. "Бердақ" купонли почта маркаси.

**З.СЕЙФУЛЛАЕВА** дизайни.

Маркада XIX асрда яшаб ижод қилган буюк қорақалпоқ шоири Бердақнинг Нукус шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган.



312. "Алпомиш ёдгорлиги" купонли почта маркаси.

**Ф.ҚУРБОНБОВ** фотоси.

Маркада ўзбек халқининг миллий эпоси "Алпомиш"нинг асосий қаҳрамонига атаб Сурхондарёда ўрнатилган ёдгорлик тасвирланган.



## Наврўзи Олам Муборак!

«Билайн» савдо белгиси остида фаолият юритувчи Юнител компанияси Ўзбекистон аҳолисини гўзаллик ва эзгулик айёми Наврўзи Олам билан муборакбод этади! Илик ва самимий тилақларимизни қабул этинг!



**Билайн™**

ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

Хизматлар лицензияланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хизматлар "UNITEL" MChJ томонидан тақдим этилади.



ЭЛЕКТРАЛОҚА ХИЗМАТИДА ТўЛОВ КАРТОЧКАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?  
ЧИРЧИҚЛИК АЛОҚАЧИЛАР БУ БОРАДА ЯНГИЛИККА ҚўЛ УРИШДИ.